Lirik qahramonning tilidan berilgan bu voqea o'quvchini o'ylantiradi. Boshqalar uchun oddiy bo'lgan bu holatning naqadar ayanchliligi ayni haqiqatdir.

Boshqa misralarda esa lirik qahramon "menga qancha qalin kiyinib kelma – sovuqlik qiladi senga hayotim", " Bu nima? Qahringmi – Boryapman kuyib", "Boshimdan yomg'irni sel kabi quyib", "Men endi tog'larga o'rganganimda xazonni keltirib qo'yding shoshilinch" deya umidsiz nola chekadi. Hayot chig'iriqlarida ko'p toblangan lirik qahramon:

Aqlim yetar - bu safar butun,
Chiqolaman tegirmoningdan.

deya olishi kitobxonda matonat tuyg'usini paydo qiladi.

Yuqoridagi misollardan ko'rinadiki, she'riyatda poetik obrazlar orqali ham ko'ngilning nozik kechimlarini, lirik qahramonning o'y-xayollari, dunyo, borliq haqidagi tasavvurlarini ifoda etishi mumkin. Bunda ijodkorga tabiat timsollari yordamga kelishi kechinma tavsifining yanada ta'sirli bo'lishini ta'minlaydi.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda, lirik kechinma she'rning mohiyatini tashkil qiladi. Uning ifoda uslubi turlicha. Har bir shoir iqtidoridan kelib chiqqan holda kechinmani o'ziga xos usulda ifodalaydi. Lirik kechinma ifodasida peyzaj va poetik obrazlar ham muhim o'rin tutadi. Xususan, X.Rustamova, Tursun Ali she'rlarida kechinma peyzaj tasvir va poetik obrazlar orqali ham ifodalanadi. Bu usullar insonning eng yashirin tuyg'ulari, o'y-xayollari – dunyoni anglashga intilishi ifodasi uchun xizmat qilgan. Shu o'rinda qayd etish lozimki, lirik kechinma ifodasida poetik obraz va peyzaj tasvirlar yordamchi vositadir. Lekin "har qanday poetik asar lirik kechinma asosida yoziladi, shu boisdan she'rdagi har bir unsur kechinmani ifodalashga xizmat qiladi" (Turdimov, 1999). Biz bunday unsurlardan ayrimlarinigina ko'rib o'tdik. Lirik kechinma tabiatini zamonaviy lirika namunalari orqali o'rganish tadqiq rejamizning asosini belgilaydi.

Adabiyotlar ro'yxati:

Sharafiddinov O. Hikmatlar xazinasi. Tafakkur. №3. 2004. B.64.
Mirhaydarov X., Mirhaydarova N. Barmoq tizimi ta'limi. T., 2010. B. 14-15.
Turdimov J.B. Lirik kechinma tabiati. Fil. fan.nom. …diss…avtoref. T.,1999. B.12.
Rustamova X. Ishg'ol. T., Akademnashr. 2011. B.8-162.
Tursun Ali. Oy yaprog'i. T., Sharq. 2008. B.22.

Annotatsiya

LIRIK KECHINMANING PEYZAJ VA POETIK OBRAZLAR ORQALI IFODALANISHI

Ushbu tadqiqotda lirik kechinmaning mohiyati, uning ifodasidagi usullar haqida to'xtalib o'tilgan. Ayniqsa, peyzaj va poetik obrazlar orqali lirik kechinmaning ifodalanishiga keng o'rin berilgan. Bu maqolada X. Rustamova va T. Alilarning she'rlaridan foydalanilgan.

Tayanch so'zlar: poeziya, lirik kechinma, peyzaj, poetik obrazlar, poetik taassurot, shoir kechinmasi, ramziylik, poetik voqelik, lirik qahramon.

Аннотация

ЛИРИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ ПЕЙЗАЖЕЙ И ПОЭТИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ

О.Файзуллаева, Г.Б.Бобобекова

Сущность лирического восприятия и способы его выражения описаны в этой статье. Пейзажи и поэтические образы окрашены лирическими чувствами. В статье использованы стихи Х.Рустамовой и Т.Али.

Ключевые слова: поэзия, лирическое переживание, пейзаж, поэтический образ, поэтическое впечатление, переживания поэта, символизм, лирический персонаж.

Summary

THE LYRICAL DESCRIPTION OF LANDSCAPES AND POETICAL IMAGES

O.Fayzullayeva, G.B.Bobobekova

The essence of lyrical perception and ways of its expressing are described in this article. Landscapes and poetical images are dyed with lyrical feelings poems of X. Rustamova and T. Ali are used in this article.

Key words: poetry, lyric experience, landscape, poetic image, poetic impression, poet experience, symbolism, poetic reality, lyric hero.

УДК: 81.2

ЎЗБЕК, НЕМИС, ИНГЛИЗ ҲАМДА РУС ТИЛЛАРИДА ИНКОР СУФФИКС ВА ПРЕФИКСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ш.Р.Тожибоева

Гулистон давлат университети

E-mail: cool.shoxjaxon@mail.ru

Инсоният тарихининг кўп асрлик тажрибаси эзгу ғояларидан ва соғлом мафкурадан маҳрум бирон-бир жамиятнинг узоққа бора олмаслигини кўрсатди. Шу боис, мустақиллик туфайли мамлакатимиз ўз олдига Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиш, демократик жамият қуриш каби эзгу мақсадларни қўйди.

Республикамиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ таълим тизимига катта эътибор қаратила бошланди. Бунинг самараси ўлароқ мамлакатимизда таълимнинг уч босқичли мукаммал тизими ишлаб чиқилди ва ҳаётга татбиқ этилди. Хусусан, олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида, бугунги кунда амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кишини ҳайратга солади.

Сўнги йиллар давомида жаҳон миқиёсида рўй бераётган глобаллашув, интеграция жараёнлари, чет тил ўқитиш методикасига яқин бўлган фанларда эришилган ютуқлар хорижий тил таълими методикасида тубдан бурилиш ясалишига олиб келди. Чет тилининг жамиятдаги мақоми ўзгарди, унинг вазифалари кенгайиб бормоқда. Хорижий тилларга дунё миқиёсида юз бераётган глобаллашув ва интеграция жараёнларини тезлаштириш нуқтаи назаридан маданиятлараро мулоқотни амалга оширувчи, шунингдек, ҳар бир мутахассис касбий лаёқатининг етакчи компонентларидан бири сифатида қаралмоқда.

Республикамизда хорижий тилларни ўқитишга катта этибор қаратилмоқда. Барча таълим муассасаларида хорижий тилларни ўқитиш йўлга қўйилган, талаба, ўқувчи ва барча тоифадаги тил ўрганувчилар замонавий ўқув адабиётлари билан таъминланган. Бир қатор университет ва педагогика олий ўқув юртларида малакали ҳорижий тил ўқитувчилари тайёрланмоқда. Бироқ республикамизнинг хорижий мамлакатлар билан

турли соҳаларда хамкорлик аълоқаларининг кенгайиши ҳар бир мутахассисдан чет тилини мукаммал ўзлаштиришни ва хорижий хамкасблар билан тўғридан-тўғри мулоқот қила олишларини тақоза қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2010 йил 17 декабрь куни Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида олий таълим муассасаларида информацион технологиялар, хусусан Интернетдан самарали фойдаланиш касбий фаолиятда чет тилини қўллаш учун амалий кўникаларга эга бўлиш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 19 январдаги "Таълим муассасалари битирувчиларининг чет тилини билишлари ҳамда компьютер технологиялари, ҳамда интернет тармоғидан фойдаланишнинг таянч кўникмаларига эга бўлишларини таъминлаш бўйича комплекс чора тадбирлар дастури" ижросини таъминлаш тўғрисидаги 21-сонли буйруғида фан, техника, технологияларининг жадал риволаниши, замонавий билимларни эгаллашда халқаро ахборот манбаларидан фойдаланиш зарурати таъкидланган ва ҳар бир олий таълим муассасаси талабаларининг информацион технологиялар ҳамда чет тилини билиш ва амалда қўллай олишларини таъминлашга қаратилган вазифалар қўйилган.

Бугунги кунда Республикамизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни тобора ўсиб, халқаро алоқалар, савдо – сотиқ, туризм ва мамлакатлар орасидаги маданий ҳамда иқтисодий алоқалар ривожланиб, мустаҳкамланиб бораётган бир пайтда унинг келажагини яратувчи ёшларга чет тилини пухта ўргатиш ва ҳорижликлар билан мулоқат давомида ўзига тааллуқли масалаларни эркин муҳокама қила олиш, умуман, оғзаки ва ёзма шаклда мулоқат қила олишни ўргатиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан биридир (Таълим тараққиёти, 1999).

Шунингдек, ҳар бир тилнинг ўзига хос лексик, грамматик ва услубий хусусиятлари мавжуд экан, уларнинг моҳиятини англамай туриб, кўр-кўрона ўзга тилларга таржима қилиш мумкин эмас.

Биз мазкур мақоламизда немис, инглиз, рус ва ўзбек тилида инкор суффикс ва префиксларни қўлланилиши синтактик-семантик маъноларини аниқлашга ва уларни ўзбек тилига таржима қилганда қанчалик аслга мос даражада акс этишини тадқиқ қиламиз.

Инкор суффикс ва префикслар орқали сўзловчи нутқ процессида иштирок этувчилардан ўзига маълум бўлмаган нарсани аниқлаб билишга янги маълумотлар қабул қилишга интилади.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек, немис, инглиз ҳамда рус тилларидаги инкор суффикс ва префиксларни ифода воситаларини аниқлаш, уларнинг синтактик семантик функционал маъноларини очиб бериш, қиёсланаётган тиллардаги суффикс ва префиксларнинг умумий ва фарқ қилувчи томонларини тадқиқ қилиш, бадиий матнларда ишлатилишига хос бўлган хусусиятларини аниқлаш.

Лингвистик адабиётларда инкор восита ва усуллар тўлиқ ёритилмаган : инкор сўзлар (олмош ва равиш), морфологик инкор воситалар, сўз ясовчи ва семантик хусусиятларга эга бўлган инкор аффикслар (префикс ва суффикс).

Ўзбек тилшунослигида инкор сўзлар феълнинг грамматик даражасига оид ҳисобланади. Ўзбек тилининг биринчи грамматикасидаёқ феълнинг асосий даражаси белгиланади. Шу жумладан, инкор даражаси ҳам инкор сўзлар феълнинг даражасида ўзининг академик ва норматик хусусиятларини ўзбек адабий тилининг грамматикасида намоён этади. Бундан ташқари инкор аспектлар даражасини ўрганишга бағишланган бир қатор ишларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Бундан ташқари, мазкур ишнинг натижалари таржима назариясини такомиллаштиришда кенг қўлланилиши мумкин, уларнинг бошқа синтаксемалар билан бирикиб келиши, лексик асослари, яъни ифода этадиган лексемаларни ўрганиш, феъл

лексимларнинг эса ўтимли ва ўтимсизлик хусусиятларини очиб бериш ҳамда уларнинг бадиий матнлар тузишда қўлланишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Мазкур мақоланинг тадқиқот объектини турли оилага масуб бўлган немис, инглиз рус ва ўзбек тилларидаги матнларида гапдаги инкор суффикс ва префиксларни синтактик боғланиши ёрдамида уларнинг гапда фаоллашуви, уларнинг ифода воситалари, ҳар бир тилдаги сўзларнинг ўзига хос бўлган синтактик семантик маънолари, ва уларнинг умумий ва фарқ қилувчи томонлари, синтактик семантик функционал вазифалари ҳамда уларнинг жаҳон адабиётларида бадиий тилида қўлланиш хусусиятлари ташкил қилади. Мақолада қиёсий-типологик системали таҳлил, трансформация ва моделлаштириш услубларидан кенг фойдаланилади.

Олинган натижалар ва уларни таҳлили

Ўзбек тилида предметнинг белгисининг борлиги ёки йўқлиги ва *бе-,* ва *–сиз, -сер* аффикслари ёрдамида ифодаланади. Биринчиси борлиги ўша предметнинг от сўз туркумининг бошланғич маъносида келади. *– сиз/сер* - аффикси қарама – қарши маънони ҳам англатади, яъни ниманингдир ёки кимнингдир таркиби йўқлигини ниманингдир мавжуд эмаслигини билдиради. Китоблар ва грамматик қўлланмаларда сўз ясовчи суффикслар *но – бе –* ва *–сиз –сер –ли* анъанавий тарзда кўриб чиқилади.

Ушбу суффикслар ёрдамида немис тилидан катта таркибдаги сифатни ва хосликни англатувчи сифатлар ясалган. Улар отга боғланиб сўзни лексик маъно ўзгаришига ҳисса қўшади. Шундай қилиб ушбу сўз бирикмаларида: *‘басавлат йигит’ ‘высокий парень’, бегона бола- невинное дитя, серсут сигир- ‘корова дающая много молока’, бемаза чой- ‘несладкий чай’* берилган суффикслар отдан янги маънодаги сифатлар ясайди.

Биринчидан: аффикслар ҳамма отлар билан ишлатилиши мумкин. Иккинчидан, ўзининг маъноси ва вазифасига кўра улар ҳеч қайси анъанавий келишик қўшимчаларидан ажралиб турмайди. Учинчидан бошқа суффикслар билан бир қаторда қўшилиб келади.

Шуни айтиб ўтиш керакки, аффикслар бошланғич сўзларнинг лексик маъноси ўзгармайди. Балки, сўзнинг ёки сўз бирикмасининг бошланишига хизмат қилади. *Но- бе-* суффикслари (дателъный падеж)ни кўрсаткичи ҳисобланади. *–сиз/сер-* суффикслари эса(винителъный падеж)нинг кўрсаткичи ҳисобланади.

Шу тарзда *но-, бе-, -сиз, -ли* суффиксларининг 2 хил табиати мавжуд: биринчи ҳолда суффикслар грамматик маънони билдирса, иккинчи ҳолда эса сўз ясовчи функцияни билдиради. Ушбу суффикслар олимлар томонидан (Закиева, Ирисов, Зарипов, 1971) 2 функцияли деб ўрганилган, Ф.А.Ғаниев эса полифункцияли аффиксларга қўшади.

Шу пайтнинг ўзида бошқа маънолар ҳам пайдо бўлади. Масалан, асос деб кўрсатилган нарсанинг олиб ташланиши –*“зарарсизлантирмоқ”*; мавжуд эмасликни билдиради – *“машинасиз”* ёки оз даражада борлиги – *“серсут”, “сермой”*; инкор баҳолаш маъносида – *“тишсиз”, “кераксиз”*; яхши сифатнинг борлиги (асоснинг инкор маъносида) – *“ақлсизлик”*; сон сўзига қўшилган баъзи сўзлар – *“ҳажм”, “масштаб”, “чегара”* ни англатади; аффикс эса кўплик, кучайтиришни ифодалайди: - *“ҳисобсиз”, “саноқсиз”.*

-сиз, бе- аффикси кўпгина сўз туркумларига бўлинади. Берилган аффикс кўпгина ҳолларда от сўз туркумидан сифат ясайди *“ўринсиз”, “беғам”, “қайғусиз”, “бемеҳр”, “муҳаббасиз”...* Эгалик олмошлари 3 шахсда, бирлик ва кўплик сонда, баъзида кўрсатиш олмошлари асосий келишик шаклида аффикс қабул қилинади. *-сиз, сер- ; “менсиз”, “сенсиз”, “усиз”, “бизсиз”.*

-сиз, бе- аффикслари феълнинг асосига қўшилади: - *“келишувсиз”, “аёвсиз”, “беаёв”, “тўхтовсиз”, “яроқсиз”.* Жуфт сўзлар мавжудлик ва мавжуд эмаслик аффикслари билан ёки *но-, бе-, -ли, -сиз* аффикслари билан ҳосил бўлади; *“вақтли – бевақт”, “ишли – ишсиз”, “керакли – кераксиз”...*

-los, -lur, -frei, немис тили аффиксларига – рус тилида *“без-”* қўлланилса, ўзбек тилида эса *-сиз/бе-*, инглиз тилида эса *–less/un-* аффикси тўғри келади: *bedingungslos* – безоговорочный – *чексиз, қаршиликсиз – boundless, limitless; sorgenfrei* – беззаботный – *ғамсиз, қайғусиз* – careless; *kraftlos* – бессильный – *кучсиз, ҳолсиз* – powerless, helpless; *kopflos* – безголовый, безрассудный – *бошсиз* – headless; *wortlos* – бессловесный, безмолвный – сўзсиз, тилсиз – speechless; *kostenlos, kostenfrei* – бесплатный, безвозмездный – pulsiz; *erfolglos* – безуспешный – *муваффақиятсиз* – unsuccessful; *hilflos* – беспомощный – *ёрдамсиз* – helpless ва бошқалар.

Немс тилида гапда инкорлик *nicht* + сифат ёки от, *nichts* + сифат ёки от, *un* + сифат, *miß* + феъл ёки от: *nichtamtlich//nicht amtlich; nichtberuflich; der Nichtraucher; der Nichtschwimmer* – неофициальный; неработающий, некурящий; не умеющий плавать; *nichtstuerich; nichtswürdig; der Nichtstuer; der Nichtskönner* – праздный; недостойный; бездельник; бездарь; *Das Buch ist uninteressant.* – Книга неинтересная; *die Unfreundlichkeit; das Unglück* – нелюбезность; несчастье.

Ўзбек ва рус тиллари билан таққослаш кўрсатадики, немис тили префиксларига *“nicht-”, “nichts-”, “un-”* рус тилида *“не-”;* ўзбек тилида эса *–сиз/бе-* аффикси тўғри келади.

Бир хил отлар ва феъллар немис тилида инкор маъносини *“miß-”* префикси ёрдамида билдиради. Масалан: *Erfolg – Misserfolg, Ernte – Missernte, Klang – Missklang, Verständnis – Missverständnis, Deutung – Missdeutung, Gunst – Missgunst* ва бошқалар; *deuten – missdeuten , verstehen – missverstehen; gefallen – mißfallen; geraten – missraten.* Рус тилида бу сўзлар инкорлик аффикси “не-” ёрдамида, ўзбек тилида *“-сиз”* қўшимчаси билан, феъллар инкорлик аффикслари *-бе/-но*, сифатлар –сиз аффикси ёрдамида таржима қилинади.

Хулоса

Инкор суффикс ва префиксларни қўлланилиши трансформациясини ўргана туриб фақатгина нутқни эмас, тилни, унинг ресурсларини, қайси бўлимга тааллуқли эканлигини ва уларнинг интероготив синтаксемларини эквивалентлик хусусиятга эга эканлигини, инкор суффикс ва префикслар гапларнинг тилда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини ўрганиб борамиз.

Ўзбек тилида *бе-, но-* аффикслари ишлатилади, улар форс тилидан олинган. Бу префикслар фақат форс – араб тилларидан олинган сўзлар билан қўлланилади. Чет тилидан олинган сўзлар луғатида *бе-* компоненти билан 60 дан ортиқ сўзлар учратилади, “*но”* префикси билан 55 лексик бирлик. Кўплари замонавий ўзбек тилида ҳам ишлатилади. Энг кўп ишлатиладиган сўзлар: *бемаза, бехабар, бетараф, беҳисоб, бениҳоя, беҳуш, беғам, бечора; номаълум, ноҳақ, намаҳрам* ва бошқалар.

Инкорлик префикслари *a- (an-), de- (des-, dis-), in- (ir-, im-, il-),* бошқа тилдан олинган бўлиб, ўзбек тилида инкорлик маъносини билдиради: *grammatisch – agrammatisch; organisch–anorganisch; zentralisieren–dezentralisieren; Organisation– Desorganisation, Interesse – Desinteresse; harmonisch – disharmonisch; informieren – desinformieren*;

Шундай қилиб, сифатлар ва отларда инкорлик немис тилида *nicht-, nichts-, un-*лари ёрдамида амалга ошади. Инкорлик префикси *miß* - бир хил отлар ва феъллар билан ишлатилади. Бу асосан контекстнинг хусусиятига боғлиқ. Бундай инкор суффикс ва префиксларни қўлланилиши ибораларнинг мазмунини тўғри англаш бадиий таржимада муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жойизки, немис тили мутахассислари ва булгуси мутахассислар бундай ибораларни қанча кўп учратса ва ишлатилса, уларнинг маъноларини фарқлашни ўрганса, сўз бойлиги шунчалик ошади, ҳар қандай матнни тушуниши осонлашади, нутқ образли ва жозибали чиқади.

Биз бу мақолада, асосан талабалар ўқийдиган матнларда кўп учрайдиган инкор суффикс ва префиксларни қўлланилиши ўрганиб чиқдик.

Адабиётлар рўйхати:

“Таълим тараққиёти”. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ахборотномаси, 5-махсус сон, 1999 й.
Хамроев. М. Ўзбек тили ва адабиётидан мажмуа. Тошкент " Фан" Ўзб, 2003. 23-29 б.
Закиев. З. М.Формы обладания и отсутствия в тюркских языках // Лингвистический сборник. – Тошкент "Фан" Ўзб, 1971. b.23-29.
Axatov. G .X О природе двойного отрицания в тюркских языках кыпчакско-булгарской подгруппы // Советская тюркология. 1984. №3. b.63-66.
Марясов Р.З. Избранные труды по германскому и сопоставительному языкознанию. Уфа: Изд-во БГУ, 1998. 289 б.
Admoni. V. G. Введение в синтаксис современного немецкого языка. Л., 1956. 392 б.
Helbig G., Buscha G. Deutsche Grammatik für den Ausländerunterricht.. Leipzig: VEB Verlag Enzyklopadie, 1980.
Moskalskaja O. Grammatik der deutschen Gegenwartssprache. –M., 1983. 335 б.
Ғаппоров. Инглиз тили грамматикасини ўргатиш . Тошкент "Фан" Ўзб, 2005. Б.23-29.
Бўронов Ж, Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Т. 1973. 96 б.

Аннотатция

ЎЗБЕК, НЕМИС, ИНГЛИЗ ҲАМДА РУС ТИЛЛАРИДА ИНКОР СУФФИКС ВА ПРЕФИКСЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Ш.Р.Тожибоева

Мазкур мақолада турли оилага мансуб бўлган немис, инглиз, рус ва ўзбек тилларидаги матнларида гапдаги инкор суффикс ва префиксларни синтактик боғланиши ёрдамида уларнинг гапда фаоллашуви, ҳар бир тилдаги сўзларнинг ўзига хос бўлган синтактик семантик маънолари, ва уларнинг умумий ва фарқ қилувчи томонлари, синтактик семантик функционал вазифалари, бадиий тилида қўлланиш хусусиятлари ўрганилди.

Таянч сўзлар: имконият, лексик ва грамматик восита, немис тили, ўзбек тили, синтактик, функционал-семантик майдон.

Аннотатция

ОТРИЦАТЕЛЬНЫЕ СУФФИКСЫ И ПРЕФИКСЫ В УЗБЕКСКОМ, НЕМЕЦКОМ АНГЛИЙСКОМ И РУССКОМ ЯЗЫКАХ

Ш. Р. Тажибаева

В данной статье рассматривается проблема использования отрицательных суффиксов и префиксов в различных текстах на немецком, английском, русском и узбекском языках, особенности их использования согласно их синтаксической и семантической ролям, стилю языка (например, литературному)

Ключевые слова: возможность, лексические и грамматические средства, немецкий язык, узбекский язык, синтаксический, функционально-семантическое поле.

Summary

THE USAGE OF NEGATIVE SUFFIXES AND PREFIXES IN THE ENGLISH, GERMAN, RUSSIAN AND UZBEK LANGUAGES

Sh.R.Tajibaeva

Negative suffixes and prefixes, their syntactic linking to the general meaning of the word, specific usage of them in the German, English, Russian and Uzbek languages, their usage according to the language, style (for example, in the literary variant) are discussed in this article.

Key words: ability, lexical and grammatical means, the German language, the Uzbek language, syntactic, functional and semantic field.

Pedagogika va ta'lim

УДК 1.091.575.

БОЛАЖОНЛИК - ФАЛСАФАСИ

С.Т.Исмоилов, С.М.Каримова
Гулистон давлат университети
E-mail: ismoilov 65@mail.ru

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан янги кириб келган 2014 йилга – Соғлом бола йили мақоми берилди. Мустақиллик йилларига берилган ҳар бир ном замирида чуқур мазмун-моҳият ва чуқур фалсафа яшринган бўлиб, уларнинг барчаси миллий мафкурамизнинг бош ғояси - "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш" ни амалга оширишга қаратилган.

Бола тарбияси, ўз боласи бахтини ва унинг камолатини кўриш орзуси ҳар бир инсон зотининг энг катта орзуси ва мақсадидир.

Президент Ислом Каримов айтгандек: "Биз ҳаётимизнинг тинч ва осойишта ўтишини, фаровон ва осуда кечишини, фарзандларимиз - жондан азиз болаларимизнинг комил инсонлар бўлиб ўсишини, уларнинг келажагидан кўнглимиз тўқ бўлишини истаймиз, шундай олижаноб умид ва орзулар билан яшаймиз".

Миллий мафкурамизнинг асосий мақсадларидан бири-ҳар томонлама етук, энг юксак маънавий ва жисмоний мукаммалликни ўзида мужассам этган комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр юритувчи, ўз халқининг манфаатлари учун курашувчи, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи инсондир.

Ушбу мақоланинг мақсади мамалакатимизда юритилаётган ёшлар сиёсатининг таркибий қисми бўлган комил ва баркамол авлодни шаклантириш жараёнида амалга оширилаётган ишлардан бири болаларга берилган эътибор эканлигини тадқиқ этиш ва бу жараёнда 2014 йилни соғлом бола йили деб эълон қилиниши навбатдаги қўйилган қадам эканлигини кўрсатиш ва баркамол авлодни шаклланишида халқимизнинг болажонлик фалсафасини таҳлил этишдан иборатдир.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот иши, асосан, Гулистон давлат университетида кузатув ва манбаларни ўрганиш асосида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида бола тушунчаси, болажонлик фалсафаси ва унинг моҳияти, баркамол авлод камолоти жараёни олинди. Тадқиқотни ўтказишда муаммога оид ижтимоий фанларга оид адабиётларни таҳлил этиш, ёшлар сиёсатига доир мамлакатимиздаги мавжуд манбаларни ўрганиш, кузатиш, тўпланган маълумотларни таққослаш ва таҳлил этиш, фалсафий мушоҳадалаш каби илмий билиш методлари ва усулларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Бола ва болаларни: физология, тиббиёт, демография, социология, психология, педагогика, иқтисод каби турли фанлар тадқиқ этади.

Хўш, "бола", "соғлом бола" иборасининг маъноси ва омиллари нималардан иборат?

Бола - балоғат ёшига етмаган фарзанд. Болалар-камолга етмаган аҳоли гуруҳи.

Бола ёши турли фанларда турлича талқин этилади. Физологияда-14 ёшгача, демографияда-15 ёшгача, социологияда 3-15 ёш, педагогика ва психологияда 16 ёшгача бўлган фарзандлар бола деб юритилади. Физология ва социологияда болалар ёши яна бир неча қисмга: 4 ҳафтагача ёки 40 кунгача- чақалоқ, 1-2 ёшгача, эмиш даври - гўдак, 3-12 ёш-бола, 13-14 ёш ўсмир, 15-16 ёш ўспирин деб юритилади.

Чақалоқ-чилласи чиқмаган фарзанд. Гўдак-эмадиган, она кўкрагидан ажратилмаган бола. Ўсмир-болаликдан балоғат ёшига ўтиш давридаги ёшдаги болалар. Ўспирин-балоғат ёшига етмаган ёш йигит-қиз.

Ота-она учун бола ёшининг чегараси йўқ. Ота-она ҳар қандай ёшдаги фарзандига “бола” деб мурожаат қилади. Катта ёшдагилар ҳам ўзидан ёши кичикроқ ва тажрибасизроқ кишиларга нисбатан бола деб мурожаат қилишади.

Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияга асосан агар миллий қонунларда балоғат ёши бирмунча эрта белгиланмаган бўлса, 18 ёшга тўлмаган ҳар қандай шахс бола ҳисобланади.

Умумий олганда болағот ёши, ёшлик давригача бўлган муддат, то 17 ёшгача бўлган давр болалик даврини ифодаловчи тушунчадир.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” китобида бола тушунчасига олти хил талқин берилади:

- янги туғилган, ҳали кўкракдан, она бағридан ажралмаган гўдак, чақалоқ;
- фарзанд, ўғил, қиз, зурриёт;
- ёши улғайган, аммо гўдакларча иш тутадиган, болаларча мулоҳаза тутадиган, болаларча мулоҳаза юритадиган одам;
- кексаларни ёшларга мурожаат шакли;
- янги туғилган, тухумдан чиққан, ҳали вояга етмаган ёш ҳайвон ёки парранда;
- бир турдаги катта-кичик нарсаларнинг кичиги, кичкинаси – деб талқин этилади.

Бошқа бир манбада:

“Бола-тўла муомала ёшига етмаганлар бола деб ҳисобланадилар. Ота-онадан туғилган болалар ёшидан қатъий назар, шу ота-онанинг боласи бўладилар” (Юридик атамалар қомусий луғати, 2003).

Шоира Турсуной Содиқова болани қуйидагича таъриф ва талқин этади: “Бола энг тоза, энг нафис ва энг буюк мавжудотдир. Шунинг учун тозаки, ҳали у бу ёшда гуноҳ қилишга улгурмаган бўлади. Ҳамма нарсага ҳайрат ва ҳаяжон билан боқади. У катталарни жуда ақлли, ишончли, ибратли деб билади. Бола-росту ёлғонингизга чиппа-чин ишонади.

Бола шунинг учун ҳам нафиски, у ҳали алдовга йўлиқмаган, зарбаларга дучор бўлмаган-бир алдов унинг минг ишончини поймол қилиши, бир зарба унинг мурғак дунёқарашини алғов-далғов қилиб юбориши мумкин” (Содиқова, 1997).

Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда: “… бола деганда, биз унинг балоғат ёшигача бўлган, яъни ота-онаси бағрида, ота-онаси паноҳида яшайдиган даврини тушунамиз”.

Халқона иборалар билан айтганда соғлом бола – “жисмонан соғлом”, “соғ-саломат”, “тани сиҳат”, “бирон бир касалликка чалинмаган”, “физиологик соғлом” бола демакдир.

Халқ ҳикматларида бола ҳақида қуйидаги таъриф ва талқинлар баён этилган:

Бола соғлиги-она бойлиги.
Ота боласи бўлма,
Одам боласи бўл.

Одам бўладиган бола олисга қарар.
Бола кўрганини қилар,
Ота билганини.
Қиз бола уйда яхши,
Эр бола элда яхши.
Бола кўнгли – подшо.
Подшони ҳукмидан боланинг ҳукми зўр.

Ақлли болага мол на керак.
Бўлар бола ўн бешида
Бошман дейди.
Бўлмағури ўттизида
Ёшман, дейди.
Бола-лой, она кулол.
Ота ғайратли бўлса,
Бола ибратли бўлар.
Тоғнинг кўрки-лола билан,
Уйнинг кўрки-бола билан.
Бола ўнга кирса, отаси сонга кирар.
Бешик боласи-бек боласи.

Президент Ислом Каримов асарларида бола ва унинг тарбияси ҳақида:

1. Республикамизда ёш авлод саломатлиги ҳақида қайғуриш давлат сиёсатига айланди. Бу ҳаммамиздан ва ҳар биримиздан оналар ва болалар саломатлиги ҳақида кўпроқ ўйлашни, кўпроқ ишлашни тақозо этади.

2. Бола туғилган кунидан бошлаб оила муҳитида яшайди. Оилага хос анъаналар, қадриятлар, урф-одатлар бола зуваласини шакллантиради. Энг муҳими, фарзандлар оилавий ҳаёт мактаби орқали жамият талабларини англайди, ҳис этади.

3. Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар.

4. Инсон табиати, феъл-атвори гўдаклигидан шаклланар экан, миллий дунёқараш ҳам бола вужудига она сути билан киради.

5. Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало, онанинг соғлиғига боғлиқ.

6. ... мақсад - болаларимизга замонавий билим ва тарбия бериш, уларнинг бошқалардан кам бўлмаслигига эришиш.

7. ... бола тарбиясида мураббий-муаллимларнинг жавобгарлиги ота-она масъулиятидан асло кам эмас.

8. Бизнинг мақсад-муддаомиз - болаларнинг соғ-саломат, касб-ҳунарли, илмли бўлишига эришишдан иборат.

9. ... ҳар бир инсон ўзидан соғлом фарзанд, соғлом зурриёт қолдириши кераклигини англаб етса, эҳтимол, вақти-соати келиб биз шундай мамлакатга айланамизки, унда энг соғлом миллат ва элатлар истиқомат қилади.

10. Болаларни энг катта бойлигимиз, келажагимиз деб эъзозлаймиз-у, амалда уларнинг тақдирига бефарқ қараймиз.

11. Соғлом авлодни вояга етказиш бир йиллик-ўн йиллик иш эмас, бунга ҳатто бир авлод умри ҳам камлик қилади.

12. ... бошланғич синфларда ўқиётган даврда ўғил-қизларимизга билим бериш, уларни миллий руҳда тарбиялаш билан бирга болаларимизнинг чет тилларга, умуминсоний қадриятларга ҳам қизиқишини уйғотиш зарур.

13. ... спорт билан шуғулланган бола ҳеч қачон ёмон йўлларга юрмайди.

14. *Фахр билан айтишимиз мумкинки, Ўзбекистон болалари замонга мос, Ватанимизга, халқимизга муносиб равишда ўзгариб бормоқда. Бу бизнинг энг катта бахтимиздир* (Каримов, 1-16 жилдлар).

Халқимиз - болажон халқ. Болажонлик - болаларни жондан ортиқ севишдир. Болага, фарзандга ҳаддан ортиқ меҳр-муҳаббат қўйиш, болапарварлик демакдир.

Халқимизнинг болажонлик фалсафаси миллатимизга хос фазилатлардан биридир:

-мамлакатимиз тимсолига айланган мустақиллик монументи олдига 2005 йил “Бахтиёр она” ҳайкали ўрнатилган. Бу тимсол бир томондан она ўз боласи бағрида бўлгандагина бахтиёр бўлишликни ифодаласа бошқа бир томондан болажон ўзбек халқининг рамзий ифодасидир;

-уруш йилларида 14 нафар етим болаларни боқиб тарбиялаб олган Шоаҳмад ота ва Баҳринсо опа оиласини ҳамда уларнинг маънавий жасоратини ифодаловчи монументни болажон халқимиз тарихидан бир мисол сифатида келтириш мумкин;

-Тошкент нон шаҳри иборасининг ҳам моҳияти тўкинчилик ва болажонликдан иборат. Тошкент шаҳри ўтган асрнинг 20-30 йилларда бўлган очарчилик ва қурғоқчилик, 1941-1945 йиллардаги уруш, урушдан кейинги 50-60 йиллардаги тикланиш даврларида жуда кўпчилликни очликдан, ўлимдан сақлаб қолган. Биргина уруш даврида 200 минг етим болаларни ўз бағрига олган. Шунинг учун ҳам у нон шаҳри мақомини олган;

Президент Ислом Каримов ибораси билан айтганда биз “... азиз фарзандининг бахти ва келажагини ўз ҳаётининг маъно-мазмуни деб биладиган халқимиз” (Каримов, 2008);

-милатимизга хос бўлган кўп болалик ҳам бу соҳани бир жиҳати.

-боласига қўшилиб бола бўлишлик, боласидан ҳам ниманидир ўрганиш болажонликни бир қирраси.

Америкалик бизнес-файласуф Жим Рон ёзади: “Ҳар нарсага қизиқишни болалардан ўрганинг... Ҳаяжонланишни болалардан ўрганинг... Ишонувчанг одамлар худди болаларга ўхшайди... Буюк устознинг “Ҳали сиз болаларга ўхшамас экансиз, сизнинг имкониятингиз нолга тенг”” деган сўзлари гўё халқимиз ҳақида айтилгандек.

“... ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оилапарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин.

Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди” (Каримов, 2008).

Инсоният ўзининг кўп минг йиллик давлатчилик тарихининг барча босқичларида ўз жамиятини соғлом ва баркамол, комил инсонларини тарбиялашни энг олий вазифа деб билиб келган. Ушбу умуминсоний тамойилга содиқ ҳолда Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигини дастлабки онлариданоқ соғлом авлод ғоясини ишлаб чиқди ва авлодлар камолоти масаласи билан жиддий шуғулланди.

Президент Ислом Каримов томонидан 2014 йил - “Соғлом бола” йили деб эълон қилиниши, бу мамалакатимизда юритилган ёшлар сиёсатининг навбатдаги одими бўлиб, соғлом авлод камолоти ва Оналик ва болалик муҳофазаси борасида амалга оширилаётган сиёсатнинг ҳаётга тадбиқ этилишидир

Оналик ва болалик муҳофазаси – давлат ва жамоатчилик тадбирлари тизими. Она ва бола соғлиғини ҳимоя қилишга қаратилади. Она ва бола муҳофазасининг тиббий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти аёллар соғлиғини сақлаш, оналар ва гўдаклар ўлимини камайтириш, уларнинг касалланишини пасайтириш, илк болаликдан жисмоний ва руҳий соғлом авлодни тарбиялашни таъминлаш.

Соғлом бола-соғлом авлод камолоти масаласи юртимизда ўзига хос тамойиллар асосида қуйилган: (Каримов, 1999)

-Соғлом авлод камолоти - давлат, жамият миқёсидаги масала сифатида кун тартибига қўйилди. Президентимиз таъкидлаганидек: “Бу муқаддас заминда яшаётган ҳар қайси инсон ўз фарзандининг бахти-саодати, фазли камолини кўриш учун бутун ҳаёти давомида курашади, меҳнат қилади, ўзини аямайди”.

-Соғлом авлод камолоти - белгиланган изчил давлат дастури асосида амалга оширила бошланди. “Аждодсиз авлод йўқ, авлодсиз аждодларнинг давомийлиги узилиб қолади. Шунингдек, авлод деганда туғилажак фарзандларни ҳам назарда тутиш мумкин”.

-Соғлом авлод камолоти - давлат раҳбари, юртбошимиз Ислом Каримовнинг бевосита ва билвосита ташаббуси билан амалга оширила бошланди.

Саломатлик-инсонда нафақат касаллик ва бошқа жисмоний нуқсонларнинг мавжуд бўлмаслиги, балки тўлиқ жисмоний, руҳий ва ижтимоий жиҳатдан қониқарли ҳолатдир.

-Мукаммал даражада ишлаб чикилган “Соғлом авлод” дастури ўзининг миллий минталитетини ва қадриятларига асосланганки, бу халқ тили билан айтганда “Тоза палакда тоза ҳандалак”.

-Юртимизда соғлом авлод масаласи азалий ва абадий жараён эканлиги якдил эътироф этилгандир.

-Соғлом авлодни шакллантириш воситалари бизда биринчи навбатда: оила, маҳалла, таълим-тарбия масканлари учлиги деб тан олинган. Президентимиз томонидан 1998 йилни “Оила”, 1999 йилни “Аёллар”, 2000 йилни “Соғлом авлод”, 2008 йилни “Ёшлар”, 2010 йилни “Баркамол авлод”, 2012 йилни “Мустаҳкам оила”, 2013 йилни “Обод турмиш”, 2014 йилни “Соғлом бола” деб аталиши бежиз эмас. Балки соғлом авлод камолотини жиҳатлари ва унга эътибордир.

“Соғлом авлодни шакллантириш жараёнларининг моҳиятини, мазмунини ва ҳақиқий аҳамиятини чуқур англаган ҳолда биз бу ишни давлат сиёсати даражасига кўтаришимиз, уни чинакам умумхалқ ҳаракатига айлантиришимиз керак”-деб кўрсатиб ўтади Президентимиз.

Президент Ислом Каримовнинг Конституциянинг қабул қилинганига 7 йил тўлишига бағишланган тантанали маросимдаги (1999 йил декабрь) нутқида “Соғлом авлод” ҳақида ўз ғояларини илгари сурилди. Бу маърузани Соғлом авлод ғоясининг низом ва дастури дейиш мумкин. Ушбу маърузада Президентимиз таъкидлайдилар:

“Биз мустақиллигимизнинг илк йилларидан соғлом авлод тарбиясини энг устувор вазифа деб белгиладик. Баркамол авлодни тарбиялаш масаласини давлат сиёсати даражасига кўтардик. Мустақил Ватанимизнинг биринчи ордени “Соғлом авлод учун” деб аталгани, “Соғлом авлод учун” халқаро жамғармаси тузилгани бунинг тасдиғидир.

Президентимиз ушбу нутқида соғлом авлодга қуйидагича: “Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман” (Каримов, 1998) - деб таъриф беради.

Ислом Каримов ўз фикрини давом эттириб, ёзади: “Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади”.

Ҳеч шубҳа йўқ: соғлом авлод орзуси аждодларимиздан бизга ўтиб келаётган, қон-қонимизга сингиб кеттан муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштнинг тозалигига, авлоднинг соғлигига жуда катта эътибор берганини кўрамиз.

Лекин соғлом авлод тарбияси осон иш эмас. У ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан жиддий эътибор ва узлуксиз меҳнат талаб қилади.

Хулоса

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, биз доимо янги йилни яхши йил бўладиган йил сифатида кутиб яшаймиз. Дунё халқлари орасида ўзига хос меҳмондўстлик, болажонлик, оилапарварлик, бағрикенглик каби сифатларга эга бўлган халқимиз кириб келган янги 2014 йилни ҳам ўтган бошқа омадли йиллардек, халқимиз тарихида катта ўзгаришлар ва янгиликларга бой йил бўлишлигини, худди ўтган йилдагидек, нафақат бобо-деҳқонларимиз, зиёлиларимиз, қурувчиларимиз, спортчиларимиз, иқтисодчиларимиз балки болаларимиз ҳам бу 2014 йилдан миннатдорлик ҳиссини туяди деган ниятдамиз.

Умид қиламизки янги йил ҳаётимиздаги орзу-умидларимиз амалга ошган, ижобатга айланган, файзли-барокатли ва омадли йил бўлиб қолади. Соғлом бола йилида барча болаларимиз қалбида болаларча беғуборлик ва юзлари табассумга бой бўлади.

Болани ёшлигиданоқ тўғри фикрлаш, идрок қилиш ва англашга ўргатиш, фойдасиз ва зарарли билимлардан, фикрсиз, ғоясиз бўлишдан эҳтиёт қилиш; одамларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг дардига малҳам бўлиш, ёшликданоқ жамиятга, Ватанга хизмат қилиш руҳида тарбиялаш зарур.

Зеро, аллома Қори-Ниёзий ёзганларидек: Боланинг ҳатто битта табассумини дунёдаги ҳеч қандай хазина билан ўлчаб бўлмайди!

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. 55-56 б.
Каримов И.А. “Баркамол авлод орзуси”. - Т.: 1999. 8- б.
Каримов.И.А. “Адолатли жамият сари”. -Т.: 1998. 6-б.
Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Биринчи жилд. -М.: “Рус тили” нашриёти, 1981. 128 б.
Жим Рон. Ақл витаминлари. Санъат журнали нашриёти, 2009. 82-84 бб.
Юридик атамалар қомусий луғати. -Т.: Шарқ, 2003. 82 б.
Содиқова Т. Меҳр қолур. -Т.: Меҳнат, 1997. 48-49 б.

Аннотация

БОЛАЖОНЛИК - ФАЛСАФАСИ

С.Т.Исмоилов, С.М.Каримова

Мақола бола ва болажонлик фалсафаси масалаларига бағишланган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг таркибий қисми бўлган баркамол авлоднинг шаклланиш жараёни таҳлил қилинган. Болажонлик фалсафасининг ўзига хос жиҳатлари, миллатимизнинг болажон халқ эканлиги, болажонлик хусусиятлари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: болалар, баркамол авлод, соғлом бола, соғлом бола йили, ёшлар сиёсати.

Аннотация

ФИЛОСОФИЯ ДЕТСТВА

С.Т.Исмаилов, С.М.Каримова

Статья посвящена вопросам процесса формирования гармоничной личности, что является одной из составных частей государственной - политики о молодёжи нашей страны. Указывается на своеобразный менталитет узбекского народа в отношений к детям.

Ключевые слова: дети, гармоничное поколение, здоровый ребёнок, год здрового ребёнка, молодёжная политика.

Summary

CHILDHOOD PHILOSOPHY

S.T.Ismailov, S.M.Karimova

This article is devoted to the issues of the process of forming a harmonical person, which is one of the inseparable components of youth politics. A peculiar mentality of the Uzbek people in their attitude to children is distinguished.

Key words: children, harmonical generation, a healthy kid, the year of a healthy child, youth politics.

УДК: 091.801.563

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

И.Э.Буриев, Д.Ф.Нурмухамедова

Гулистанский государственный университет

E-mail: ndf0709@yandex.ru

В “Национальной программе по подготовке кадров” перед вузами страны поставлена задача – интенсифицировать процесс обучения студентов. Совершенно очевидно, что интенсификации учебного процесса можно добиться только в том случае, если будет решена проблема освоения новых педагогических и информационных технологий. «Педагогическая технология» – это системный подход создания, применения, определения всего процесса преподавания и усвоения знаний с учетом технических и человеческих ресурсов и их взаимосвязей, ставящий своей задачей оптимизацию форм образования.

Сегодня новые педагогические информационные технологии используются во всех сферах деятельности человека. Перед преподавателями Республики Узбекистан поставлена задача – не только хорошо знать свой предмет, но и владеть языком технологии. Особенно важно овладеть языком технологии преподавателю русского языка. Его задача – обучить обучающихся методам работы с информацией на русском языке, методам сбора новых знаний о развивающемся мире.

Целью данного исследования является обеспечение достаточной эффективности образовательного процесса с гарантией достижения студентами запланированных результатов обучения в условиях массового образования. Используя педагогическую технологию обычный преподаватель добивается превосходных результатов.

В статье использованы следующие **методы**: информационный, системный, описательный.

Задача исследования заключается в определении основных направлений обучения преподавателей русского языка в области использования средств информационных технологий и в процессе преподавания.

Следует подчеркнуть, что профессия педагога в современном обществе стала еще сложнее в связи с высокими темпами развития науки, техники и технологии. Интенсивный научно-технический прогресс привел к интенсивному росту и обновлению научно-технической информации, которая приняла лавинообразный характер. В мире ежегодно издаются сотни тысяч книг, журналов, защищаются более 100 тысяч диссертаций, а поток информаций в глобальной сети Интернет практически неизмерим. Как в таких условиях массового образования с высокими темпами развития науки можно обеспечить подготовку специалистов, отвечающих современным требованиям, требованиям образовательных стандартов? Эту проблему решает педагогическая технология, зародившаяся во второй половине 20 века в период интенсивного научно-технического прогресса. В условиях массового образования педагогическая технология способствует построению и реализации педагогического процесса в строгой обоснованности каждого его этапа, каждого элемента, нацеленности на объективно диагностируемый, гарантируемый конечный результат. Педагогическая технология становится непосредственной производительной силой в системе образования современного общества (Авлиякулов, 2009).

Важная задача образования сегодня – формировать личность, способную обновлять и развивать все свои способности и умеющую приспособиться к требованиям современного прогресса, но не теряющую нравственных ценностей, накопленных цивилизацией.

В настоящее время в нашей стране интенсивное развитие сферы образования на основе использования информационно-коммуникационной технологии стало неотъемлемой частью реализации Национальной программы по подготовке кадров. В вузах активно используются самые передовые методы, основанные на программных комплексах, различные информационные системы.

Задача преподавателя – научить обучающегося овладевать процессами учения, а для этого преподаватель сам должен хорошо владеть новыми технологиями обучения. Педагогические технологии в современном стиле использования учебных материалов с применением компьютера относят многие развивающие этапы на особые моменты, которые возможны только при работе каждого студента в интерактивном режиме.

Выполнение различных заданий по русскому языку в нерусской аудитории всегда должно сопровождаться разбором под руководством преподавателя, что будет необходимым обстоятельством для укрепления знаний студентов.

Важно, чтобы программное обеспечение по изучению языков позволяло сделать процесс обучения ярким, интересным, доступным и, главное, незабываемым. Возможности процесса обучения должны быть безграничны. Общеизвестно, что если методика преподавателя удачна, студенты более внимательны к данному курсу. Интерактивная природа ИКТ, использование средств мультимедиа позволяют преподавателю контролировать процесс обучения, удерживая внимание со стороны студентов. Знания оказываются более прочными, если в процессе обучения студенты приобретают полезные компьютерные навыки.

Таким образом, формирование учебной мотивации при обучении русскому языку в современных условиях требует нового типа организации образования, а значит изучения тех инновационных процессов, которые, являясь закономерностью и новой стратегической линией в развитии образования, обнаружили к настоящему времени его основные тенденции: гуманизацию, демократизацию, технологизацию и реализацию инновационных стратегий в ситуации компьютеризованного обучения.

Инновационный подход к обучению русскому языку - попытка гуманизации обучения, преодоления формализма, авторитарного стиля, поворот к личности обучаемого, поиск условий для раскрытия его творческого потенциала. Особая форма предъявления изучаемого материала, его содержательной стороны, влечет за собой не только усвоение знаний и умений по предмету, но и выработку умений, влияющих на учебно-познавательную деятельность и обеспечивающих ее перевод на уровень продуктивного творчества. На смену передаче и приобретению знаний приходят модели обучения, где характер деятельности обучающихся при осуществлении учебного процесса протекает по схеме, заданной, выстроенной преподавателем, и может быть технологическим или поисковым. В рамках каждой из моделей ведется уточнение инновационной направленности.

Эффективность обучения и воспитания студентов неязыковых факультетов определяется формированием всесторонне развитой личности студентов и свободным владением русским языком как средством межнационального общения. Перед преподавателями вузов как никогда остро встает проблема духовного воспитания молодежи. Нужно настойчиво добиваться повышения эффективности обучения и воспитания, обеспечить компьютерную грамотность студентов, коренным образом улучшить подготовку молодежи к самостоятельной жизни и труду. Следует в полной мере использовать исключительно благоприятные возможности, созданные после провозглашения независимости Республики Узбекистан, для значительного повышения эффективности идеологической деятельности, вести идейно-воспитательную работу со студентами комплексно, в тесной связи с жизнью, не уходить от ответов на острые вопросы, волнующие студентов.

Изучение работ Президента Республики Узбекистан – важнейший фактор повышения идейно-теоретического уровня, эффективности образования и духовного воспитания студентов.

Как справедливо отметил Президент Республики Узбекистан И. А. Каримов, «Образование и воспитание, являясь продуктом сознания, одновременно являются фактором, определяющим уровень сознания и его развития. Не изменив систему образования и воспитания, нельзя изменить сознание. Не изменив сознание и, соответственно, разум, невозможно достичь нашей высшей цели – построить свободное и процветающее общество» (Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана, 1997). Духовное и нравственное воспитание – одна из важных и наиболее сложных задач. Старые методы для сегодняшней ситуации не всегда оказываются подходящими. Нужно искать новые, убедительные примеры.

При ознакомлении студентов с высказываниями нашего Президента особенно важно, чтобы воспитание словом всегда увязывалось с жизненным опытом и запросами студентов. Формируя у студентов высокую идеологию национальной независимости, основанной на вековых традициях, обычаях, языке, преподаватель должен воспитывать их в духе нравственности, честности, совестливости, порядочности, любви к Родине, мужества и терпимости, стремлении к знаниям и просвещению.

Наше исследование подтверждает вывод о том, что применение инновационно-коммуникационных технологий в учебном процессе развивает аналитическое мышление обучающихся, способствует развитию личности студента, формирует потребности

самообразования, саморазвития, создает условия для творческого развития обучающегося; окрашивает положительными эмоциями их познавательную деятельность.

Список литературы:

Гармонично развитое поколение – основа прогресса Узбекистана. Т. 1997. 64 с.
Авлиякулов С. Педагогическая технология. Т. 2009. 147 с.

Аннотация

РИВОЖЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТНИНГ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР

И. Э. Буриев, Д. Ф. Нурмухамедова

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да олий ўқув юртлари олдига талабаларнинг таълим жараёнини интенсивлаштириш масаласи қўйилган. Маълумки, таълим жараёнини интенсивлаштириш янги педагогик ва информацион технологияларни ўзлаштириш муаммоси ечилмасдан туриб, эришиб бўлмайди. Бугунги таълимнинг муҳим вазифаси – талаба истеъдодини ривожлантиришга ва янгилашга, замонавий ривожланишнинг барча талабларига мослаша оладиган, аммо ўз миллий маънавиятини асрайдиган, миллий қадриятларни эъзозлайдиган баркамол шахсни шакллантиришдан иборат.

Таянч сўзлар: Миллий дастур, замонавий усул, компетентлик, технология, таълим жараёни, интерфаол усул, билим.

Аннотация

ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ В СИСТЕМЕ ОБРАЗОВАНИЯ СОВРЕМЕННОГО ОБЩЕСТВА

И. Э. Буриев, Д. Ф. Нурмухамедова

В “Национальной программе по подготовке кадров” перед вузами страны поставлена задача интенсифицировать процесс обучения студентов. Совершенно очевидно, что интенсификации учебного процесса можно добиться только в том случае, если будет решена проблема освоения новых педагогических и информационных технологий. Важная задача образования сегодня – сформировать личность, способную обновлять и развивать все свои способности и умеющую приспособиться к требованиям современного прогресса, но не теряющую нравственных ценностей, накопленных цивилизацией.

Ключевые слова: Национальная программа, современный метод, компетентность, технология, учебный процесс, интерактивный метод, знание.

Summary

PEDOGOGICAL TECHNOLGY IN THE EDUCATIONAL SYSTEM OF THE MODERN SOCIETY

I. E. Buriev, D. F. Nurmuhamedova

The national programme on training the staff sets the aim of intensifying the process of teaching students before the higher educational institutions of the republic. It is evident that the intensification of the educational process can be achieved in case of solving the issue of introducing new pedogogical and information technologies. The most inportant task of modern education is to bring up a personality capable of developing and mastering all his skills and capable of adjusting to the requirements of up-to date progress, not losing moral values stockpield by civilization.

Key words: national programme, modern method, competence, technology, educational process, interactive method, skill.

УДК 371.3: 373:894.375

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

М. Сарибаева
Гулистон давлат университети
E-mail: moviy 69@mail.ru

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, ижтимоий-иқтисодий ва маданий жиҳатдан тараққий этиши, ижтимоий муносабатларда демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг устувор бўлишига эришиши эзгу маънавий-ахлоқий сифатларга эга бўлган, муайян соҳа бўйича назарий ва амалий билимларни пухта ўзлаштирган, касбий фаолиятида ютуқларга эриша оладиган кадрларнинг тайёрланишига боғлиқ. Бунда талаба-ёшлар онгига таълим жараёнида Алишер Навоий асарларидаги ғояларни сингдириш, уларда улуғ шоир ўз қаҳрамонлари сиймосида ифодалаган ибратли хусусиятларни матн орқали шакллантириш катта ўрин тутади.

Матн устида ишлаш талабаларда бадиий асарнинг жозибасини англашларига, асарда ифода этилган воқеа-ҳодисани чуқурроқ тушуниш ва ҳис этишларига, билимларини бойитишга, бадиий мушоҳада қобилиятларини ривожлантиришга, мустақил мутолаа билан шуғулланиш истагини пайдо қилишга катта таъсир ўтказади.

Матн устида ишлашдан асосий мақсад - унинг мазмунини ўзлаштириш, асар мазмунини ўзлаштиришдан кутиладиган мақсад эса талабаларни асар таҳлилига тайёрлашдан иборат.

Асар таҳлили орқали талаба асардаги воқеани, унинг ички боғланишларини, қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини аниқ тасаввур қилади. Талабада бадиий мушоҳада шаклланади.

Тадқиқот объекти ва қўлланиладиган методлар

Тадқиқот ишлари Гулистон давлат университетида олиб борилди. Тадқиқот объекти сифатида филология ва педагогика бакалаврият таълим йўналишларидаги ўқув жараёнидаги талабаларнинг матн устида ишлашга ўргатиш жараёни олинди. Тадқиқотни ўтказишда муаммога оид методик ва педагогик адабиётларни таҳлил этиш, педагогик кузатув, суҳбат, анкета сўрови, эксперимент, қиёсий, педагогик тажриба, ҳамкорликда ишлаш методларидан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Президентимиз “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” деб номланган нутқларида: “***…адабиёт масаласи маънавият масаладир***”,- деган фикрни ўртага ташлаб адабиётнинг жамият маънавиятида тутган ўрнига улкан баҳо бериши адабиёт ўқитишнинг самарали усулларини тадқиқ этишга эҳтиёж янада кучайганидан далолатдир (Каримов, 2009). Юртбошимизнинг бу каби дастур характеридаги фикрлари, умуман адабиёт ўқитишнинг маънавий-маърифий аҳамияти, қолаверса, миллий маданиятимизга бағоят кучли таъсир кўрсатган, мумтоз адабиётимизни янги босқичга олиб чиққан ҳазрат Навоийнинг эпик асарларини ноанъанавий тарзда ўргатишга ҳам оиддир.

Адабиёт дарсларида ўрганиш учун дастурга киритилган бир қатор эпик асарларнинг ҳажман йирик эканлиги, уларни кўпинча лирик асарлар сингари бир зарб билан ўқиб чиқиб бўлмаслиги, бинобарин, бир ўқув соати ичида ҳам матн билан танишиш ҳам таҳлил қилиш имконсиздир.

Адабиёт ўқитувчиси ўз талабаларида эпик асар замиридаги бадиий маънони илғай олиши ва мантиқий хулосага кела билиш малакасини шакллантириши муҳим вазифа ҳисобланади (Йўлдошев, 1966).

А.Тожиевнинг “Юқори синфларда бадиий асарни суҳбат методи билан ўрганиш” номли мақоласида Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги ҳамма образларни суҳбат методи асосида ўрганишгина муваффақият келтиради, деган бирёқлама фикрни илгари суради (Тожиев, 1967).

А.Ҳасанованинг “Юқори синфларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясининг учинчи боби “Хамса”нинг асосий достонларидан бири “Фарҳод ва Ширин”ни ўрганиш усулларига бағишланган бўлиб, унда ҳам матн устида ишлашда суҳбат методини қўллаш йўллари кўпроқ самара бериши ёритилган. (Ҳасанова, 1974) Аммо тимсоллардан келтириб чиқарилган хулосалар, образларнинг ўзаро муносабатлари борасидаги фикрлар шўро мафкураси талабларига мослаштирилгани учун ҳам асар моҳиятини очишга етарлича хизмат қилмайди. Зеро, у пайтларда асардаги сўфиёна маъно тўғрисида сўз очиш ҳам мумкин эмас эди.

Навоий ижодини ўрганиш масалалари олий ўқув юртлари учун қўлланма сифатида ёзилган “Адабиёт ўқитиш методикаси” китобида кенгроқ ёритилган. Унда ўқитувчининг лекцияси матнни таҳлил қилишнинг асосий методларидан бири эканлиги, ўқитувчи, албатта, достон сюжетини тўлиқ сўзлаб бериши зарурлиги алоҳида уқтирилган. Ўқитувчи Навоий “Хамса”сининг ҳамма достонларини тўлиқ сўзлаб бергач, ўқувчилар достон матнининг насрий баёнини уйда ўқиб келишлари, сўнг дарсликда берилган саволлар асосида суҳбатга тайёргарлик кўришлари таъкидланган (Долимов ва бошқ. 1967). Кўриниб турибдики, бу ёндашув ўша давр методикаси ҳолатидан келиб чиққан бўлиб, методика илми ва ўқитиш амалиётининг бугунги талабларига зид келадиган анчагина жиҳатларга эга. Агар дарслик муаллифларининг айтганларига амал қилингудек бўлса, ўқувчилар Навоий асарларининг матни билан бевосита танишмайдилар, унинг буюк бадиий тароватидан бахрасиз қоладилар ва фақат “Хамса” достонларидаги ғоя ҳамда қарашларнигина ўзлаштирадиларки, баркамол шахс тарбиялашга қаратилган адабий таълим учун бу мутлақо етарли бўлмайди.

Асарни ўқиш-уни англаш, завқланиб ўзлаштириш таҳлил қилишнинг муҳим воситасидир (Сарибоева, 2008). Асарни ўқиш талабалар нутқини ўстириш билан бирга, унинг фикрини, тасаввурини ривожлантиради, уларда образли тушунча ҳосил қилади ва фикрлаш қобилиятини ўстиради.

Адабий асарнинг, жумладан, эпик турга мансуб бўлган асарларнинг матни устидаги иш адабий таълимнинг муҳим масалаларидан биридир.

Алишер Навоийнинг эпик асарларини ўқитишда талабаларнинг фаоллигини таъминлашга қаратилган интерфаол усуллардан бир қанчаси амалиётда синаб кўрилди ва ижобий натижага эришилди. Чунончи, буюк шоирнинг “Фарҳод ва Ширин” достони матни устида ишлаш” мавзусини ўтишда биз тажриба-синов ишларида қўллаган қуйидаги дарс усулини тавсия қиламиз.

Мавзу: “Фарҳод ва Ширин”достони матни устида ишлаш

Мақсад: Талабалар достон матнини ўрганиш кўникмаларини эгаллайдилар.

Кутилаётган натижа:

- якка ҳолда достонни ифодали ўқиб, ўқиганларини таҳлил қилиш;
- луғат, ўқув қўлланма ва достон матни ифодаланган бошқа манбалар билан ишлаш;
- достондан аудио тасмага ёзилган парчаларни тинглаб идрок этиш;
-достондан парча ёд олиш.

Жиҳозлар: достондан олинган парчалар ифодаланган тарқатма материаллар 6 номда: 1- тарқатма- “Тож таклифи”, 2- тарқатма - “Чиний ойна воқеаси”, 3-тарқатма - “Меҳнат маҳсули”, 4-тарқатма - “Фарҳод ғалабаси”, 5-тарқатма - “Учрашув”, 6-тарқатма - “Макр тузоғи”), қўшимча адабиётлар: “Хамса” асари, турли журналлардаги мавзуга оид илмий-методик мақолалар.

Жараённинг бориши:

Талабалар кичик гуруҳларга бўлинади ва достондаги 5 тимсолга оид сифатлар ёзилган тарқатмаларни олишади.

Фарҳод тимсолига оид 5та тарқатма:

1- тарқатма. У - камтар инсон. 2-тарқатма. У - комил инсон. 3-тарқатма. У-мард инсон. 4-тарқатма. У- ижодкор шогирд. 5-тарқатма. У-меҳнатсевар инсон.

Ширин тимсолига оид 5та тарқатма:

1-тарқатма. У- жуда гўзал. 2-тарқатма. У- садоқатли қиз. 3-тарқатма. У- вафодор. 4-тарқатма. У- инсонпарвар. 5-тарқатма. У- мустаҳкам иродали.

Хусрав тимсолига оид 5та тарқатма:

1- тарқатма. У-сохта ошиқ. 2-тарқатма. У-золим. 3-тарқатма. У-жоҳил подшо. 4-тарқатма. У-худбин. 5-тарқатма. У-ҳийлакор.

Миҳинбону тимсолига оид 5та тарқатма:

1- тарқатма. У-адолатли ҳукмдор. 2-тарқатма. У- маърифатпарвар аёл.

3-тарқатма. У-тадбиркор. 4-тарқатма. У-идеал ҳукмдор. 5-тарқатма. У-эзгу мақсадли.

Шеруя тимсолига оид 5та тарқатма:

1- тарқатма. У-инсофсиз. 2-тарқатма. У-разил. 3-тарқатма. У- шуҳратпараст. 4-тарқатма. У- ахлоқан бузуқ. 5-тарқатма. У- падаркуш.

Ушбу тарқатмалар аралаш ҳолда талабаларга тарқатилади. Талабалар қўлларидаги тарқатмада ифодаланган тимсолга оид сифатларни ўқиб, гуруҳларга бирлашади.

Изоҳ. Агар талабалар тарқатмаларда ифодаланган ижобий ёки салбий сифатларни бир тимсолга оид деб ҳисоблаб, бирор гуруҳда талабалар сони бошқа гуруҳга нисбатан кўп бўлса, унда ўқитувчи шу гуруҳ олдига келиб тарқатмалар билан танишиб, изоҳлаб, қайси тарқатма айнан шу гуруҳга мос келмаса, шу талабани тегишли гуруҳга ўтказади.

2-босқич. Талабалар ўз гуруҳларига ном беришади. Танлаган номни изоҳлайдилар. Бу жараён жуда қисқа вақт давом этиши лозим. Масалан, Фарҳод тимсолига- “Тадбиркор” гуруҳи деб, Ширин тимсолига-“Садоқат”, Миҳинбонуга-“Маърифат”, Шопур тимсолига– “Адолат”, Хусравга- “Жаҳолат”, Шеруяга - “Қасоскор”.

3-босқич. Гуруҳларга достондан шеърий парчалар берилади.

Топшириқ:

Достондан олинган парчаларни ўқинг ва таҳлил қилинг. Тушунганларингизни дафтарингизга ёзинг. Бунда луғатдан фойдаланинг.

4-босқич. Ҳар бир кичик гуруҳга ўзлари таҳлил қилган парчанинг насрий баёни берилган тарқатма материал тарқатилади (асарнинг насрий баёни берилишининг сабаби шундаки, талабалар асарнинг маъруза матни, ўқув қўлланмада йўқ бўлган қисми билан танишади. Маъруза матнида бўлмагани, ўқитувчи ўргатмагани учун мустақил хулоса чиқариш имконига эга бўлади, луғат билан ишлашга вақт кетмайди) ва қуйидагича топшириқ берилади:

1. Ўз гуруҳингизда матнни ўқиб чиқинг. Дастлаб ичингизда ўқинг, сўнгра бирингиз овоз чиқариб ўқинг.

2. Матнга сарлавҳа танланг.

3.Тушунмаган сўзларингизни белгиланг ва шу сўзлар маъносини ўрганинг. Бунинг учун матн якунида келтирилган луғатдан фойдаланинг. Унда бўлмаган сўзлар маъносини ўртоқларингиз ёки ўқитувчидан (ўқитувчи шу гуруҳ олдига келган пайтда) сўранг.

4. Энди тушунганларингизни олдин таҳлил қилган пайтингизда дафтарингизга ёзганларингиз билан солиштиринг.

Гуруҳ аъзолари тарқатмали материалларни ўқиб ўрганиб чиқадилар.

Гуруҳларга бериладиган карточкалардаги матн қуйидагича бўлиши мумкин:

Фарҳод ўзини билмаган ҳолда яна бало қўрғонига қайтиб келиб, ўзини ўзи занжирбанд этар экан, назоратчилар унинг сирларидан хабардор бўлдилар. Улар Фарҳоднинг номаълум сирларини кашф эта олишини ҳам фаҳмлардилар. Улар бу вақтда

Фарҳоднинг йўқлик буржидаги ёруғ юлдуз, вафо қутичасида сақланган равшан гавҳар эканини, валилик машъалидан жони нур тортиб, каромат нури билан кўнгли обод эканини ҳам сездилар. Кўнгли истаган вақтда занжирлар ўз-ўзидан ечилар экану, лекин у назоратчиларнинг кўнгли учунгина ўзини кишанга солар экан.

Ҳа, улар жон деб уни озод қилиб юборган бўлар эдилар. Фарҳод ўша атрофдаги жойлардан узоққа кетмас, айланиб юрадиган жойи шу ерлар эди. Чунки Парвез бу ҳолатни билиб қолиб, ғазаб билан буларнинг қонини тўкмасин, дер эди.

Бироқ унинг бу занжирлардан халос қилинганлиги, назоратчилар билан дўстлашиб кетгани бирин-бирин Хусравга маълум бўлди. У ўз буйруғи қанчалик бузиб бажарилаётганини билди. Энг аввал сиёсат қиличини қинидан чиқариб, уларга сиёсатнинг кучини кўрсатиб қўймоқчи бўлди. Бу ишни амалга оширишга киришмоқчи бўлганда, юрагини ваҳима босди. У ошиқи бедилнинг аҳволидан хабар олиш керак. У ошиқ эмас, у ҳақиқий қалб эгаси бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Фарҳоднинг бутун ҳолатини кўздан ўтказиб, унинг табиатида беҳисоб ғаройиботлар борлигини тушунди.

Халқ Парвездан кўп зарар кўрган, Фарҳодга эса боғланиб қолган, шунинг учун ҳам табиати шеър ёзишга мойил одамлар унинг тўғрисида ашулалар чиқарган, созандалар ҳар турли куй ва амаллар боғлаган эдилар. Аҳли дардлар ошиқона оҳ тортиб, ҳалиги мақомлар билан қўшиқ айтганлари айтган эди. Фарҳоднинг ҳоли ҳаммага ашула бўлиб, куйдан унинг хасталиги, кайфиятининг ғамгинлиги билиниб турарди.Унинг қандай қилиб Хусравнинг қўлига тушганлиги, улар ўртасида қандай гап-сўзлар ўтганлиги, унинг ҳозирги аҳволини ҳеч ким билмаслиги, ўликми, тирикми- маълум эмаслиги- булар ҳаммаси халқнинг куй ва қўшиғини ташкил этган бўлиб, Миҳинбону ҳам буни эшитган эди.

Гулюзли Ширин ҳам ниҳоятда ғамгин, гоҳи ўзида гоҳи ўзида йўқ эди. Ғурбатга асир Фарҳоднинг албатта, душман қўлига тушганлигини сезиб турарди. Кунлардан бир куни у ғамгин, мискин айриликдан ғоят хафа бўлиб, ҳижрон тошидан кўнгли синиқиб, бир нафасда қафаснинг томи устига чиқди. У бирпас тоза ҳаво олиб, бу ҳаводан ғунчадек кўнглини очмоқчи бўлди. Шунда унинг қулоғига бир ҳазин товуш эшитилди. Бир шўрлик бечора қўшиқ айтарди. Ширинни бу қўшиқнинг куйи ўзига тортиб, вайрона кўнглига жуда таъсир қилди. Қўшиқни, куйнинг ҳар бир сўзини яхшироқ эшитиш учун у қулоқ солиб турди. Унга ҳар бир байт бир ғамхона бўлди. Чунки бу байтдаги сўзларнинг ҳаммаси Фарҳод ҳақида эди. Қўшиқда тескари айланувчи фалак Фарҳоднинг бошига нималар келтиргани, Хусрав унинг жонига қандай қасдлар қилгани сўйланарди.

У қўшиқчи чуқур оҳ тортиб, Фарҳоднинг қўлдан бой берилганини сўзлар, бу қиссани бир сўз қолдирмай баён қилар эди. Маҳваш бу қайғули қўшиқни тинглар экан, унинг бағрига ўткир бир ханжар санчилгандай бўлди.

Жигарларни куйдирадиган даражада шундай бир оҳ тортдики, гўё бу оҳдан дунёни ёритиб турган Қуёш шамъи ўчди. Ўз юзига у ўзи шапалоқлар уриб, бошига ҳам юз шунча урди. У ҳеч нарсани ўйламай, гул баргидек ўзининг саккиз тирноғи билан юзини тимдалаб, сарғайган юзига қизил гуллар оқиза бошлади. Қондан бармоқлари ҳина бўягандай бўлди. Лаъли лаблари қовжираб, қаҳрабо тошининг рангига кирди.

У шу хилда роса уринди, қийналди, изтироб чекди. Охирида хасталаниб, эси оғиб, йиқилди. Унинг бошида Миҳинбону кўз ёши тўкиб йиғлар, унинг ҳам юрагида сабру қарори тугаган эди.

Худди шу пайт замоннинг зарбаларидан жисми эзилган бечора Шопур етиб келиб қолди. У гапира туриб, суюнганидан йиғлар эди.

-Эй осмон курсисида ўлтирган, юлдузларча қўшин эгаси, муборак юзли, иффат пардасини ёпинган маликам!-деди Шопур. Мен Фарҳоднинг дийдоридан айрилгандан сўнг, бурчак-бурчакларда хаста ва зор бўлиб ётдим. Чунки на унинг олдига боришдан фойда бор эди, на сизнинг хизматингизга келишга юзим чидар эди. Тунов кунигача вайронада ғам-аламдан хафа бўлиб ётардим. Ўша қўрғонда тураверив юрагим жуда

сиқилиб кетди. Ўрнимдан туриб ташқарига чиқмоқчи бўлдим. Қўрғоннинг девори томон қадам ташлаб, ўзимнинг қалъанинг ташқарисига олдим. Душман тўдасининг ичида эртаю кеч кезиб юриб, Фарҳоддан бирор хабар топа олармиканман, дердим. Ҳатто бир кечаси Парвезнинг аскарлари турган ерга кирдим ва қаерда одамлар тўпланиб турган бўлса, ўша ерга бориб турдим. Айшу ишрат бўлиб турган жойларга ҳам кириб чиқдим. Камбағаллар турадиган жойларга ҳам. Нима ҳақида гап борса секин қулоқ солардим. Тақдирнинг бизга бўлган душманлиги бирдан кесилиб, тасодифан ажойиб бир ҳодисага дуч келдим. Худди бу шу бугун замоннинг ёлғизи, ғариб-у, хаста-ю бехонумон Фарҳод ҳақида халқ янги гапларни гапирмоқда, одамлар орасида унинг тўғрисида ғоят қизиқ овозалар юрибди.

Шопур Миҳинбонуга эшитган гапларини сўзлаб бера бошлади:

-Фарҳод ҳозир ҳам соғ-саломат экан. Яшайдиган жойи гоҳ чўл, гоҳ тоғ экан. Унга душманлар томонидан ҳеч қандай хавфу хатар йўқ экан. Хусравдан бировга озор етмасин, деб ана шундан хавфсираб, бировнинг озор чекишига сабабчи бўлиб қолмай, бировнинг жафога учраб, ўлишига боис бўлиб қолмай, деган андиша билан у чор ночор ўша тоғ атрофида юраркан, узоқроқ жойга кета олмас экан. Мен унинг бу аҳволини эшитишим биланоқ унинг олдига келмай сизнинг олдингизга келдим. Бу гаплардан сўнг ғамгин Шопур ҳам, дилхаста Миҳинбону ҳам кўп-кўп йиғлашди. Шопур дилхаста Фарҳоднинг аҳволидан, Бону эса ойюзлининг тортаётган азобларидан гапириб бердилар.

Уларнинг ўрталарида шундай гаплар бўлиб ўтаётган вақтда бечора Ширин ҳушсиз ётарди. Унинг димоғига дам-бадам ҳидли кўкатлардан тутиб, тездан уни ўзига келтиришди. У кўзини очиши билан ҳазин Шопурни кўрди ва ягона Фарҳодни ҳам эслади.

- Эй Шопур, қаердан келдинг? Нега ёлғизсан? Фарҳодни нима қилдинг? Дўстлик, ўртоқлик шундай бўладими? Бировнинг омонатини сақлаш шу хилда бўладими? Сен менга йўқотганимдан бир нишон кўрсат! Агар мени айриликдан ўлмасин десанг, тезроқ гапир!

Бечора Шопур тездан гап бошлади. Фарҳоднинг ишларидан қанча хабари бўлса, ҳаммасини бирма-бир унинг олдида сўзлаб берди. Ҳозир унинг тирик эканлигини ҳам айтди.

- Лекин фироқингда аҳволи жуда оғир. Мен унинг олдига интизорлик билан, жигарим эзилган ҳолда кетаётган эдим. Бироқ аввал сени хабардор қилай дедим. Агар ойюзлига оғир бўлмаса, ўз аҳволларини тушунтириб, икки-уч жумла ёзиб берсалар. Мен бориб бу мўъжизани Фарҳодга кўрсатсам. Агар ўлган бўлса, шу йўл билан уни тирилтирсам.

Париваш “Жоним билан” деди-да, дарров ўрнидан туриб, бир холи хонага кириб кетди. Чиқиб хатни Шопурга топширди. У ҳам хатни олиб, дарҳол йўлга тушди.

Шопур одамлардан эшитиб билган еригача ҳеч кимга билдирмай йўл босиб борди. Фарҳод азоб-уқубатлар орқасида ўзидан кетиб ётган вақтда донишманд Шопур унинг олдида пайдо бўлди. Шопур уни бир аҳволда кўрдики, кўз кўрмагани яхши эди! На жисмида жон бор, на оғзида сўз. У Фарҳод юзига ёшлари билан гулоб сепгач, у шўрлик кўзини очиб, ўзига келди. Шопур уни, у Шопурни кўриб, икковлари фиғон тортиб, даҳшат билан йиғлаша кетдилар.

Бу йиғи-сиғи ва нотинчлик шунча чўзилиб кетдики, буларнинг аҳволига тоғ ҳам, водий ҳам қон-қон йиғлади. Ниҳоят, ғамли Шопур Фарҳоднинг оёғини ўпиб, қўйнидан унга мақсад хатини чиқариб берди. Фарҳод хатни очиши билан, тани худди қаламдай озиб, бўшашиб кетди.

Матн ўзгартирилмай Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан олинди, 487-492-бетлар (Алишер Навоий).

4-босқич. Магнитофонда гуруҳларга берилган парчалардан бири эшиттирилади.

5-босқич. Ўқитувчи ушбу парча устида қайси гуруҳ ишлаганини сўрайди ва қисқача мазмунини айтиб беришни таклиф қилади. Бунда вақт тақчиллиги боис битта гуруҳ ишлаган парчани эшиттириш билан чекланиш кифоя.

Изоҳ. Бу усулни қўллашдан мақсад талабаларнинг эътиборини достоннинг ўқилишига ва мазмунини оғзаки ҳамда ёзма равишда баён қилишга ўргатишдан иборатлиги боис, гуруҳларда ишланган мазмуннинг тақдимоти шарт эмас, чунки бу жараён учун вақт кўп талаб этилади. Бироқ ҳар бир гуруҳ ўз мазмун ва моҳиятига ҳамда бадиий жозибасига эга қисм устида ишлайди. Шунда талабаларнинг достон матни устида ишлаш кўнимаси ривожланишига шароит яратилади.

6-босқич. Ўқитувчи гуруҳда ишлаш давомидаги фаоллиги, ўртоғига ёрдам бериши, саволларга жавобларига қараб, камида 7 нафар талабани баҳолаши (балл қўйиши) ва бу баҳони изоҳлаши керак.

Сўнгра уйга вазифа берилади. Рейтинг топшириғи. Уйга вазифа: достондан ихтиёрий парчани ёдлаш.

Демак, бугунги таълим-тарбия тизимининг бош мақсади баркамол инсонни шакллантириш ва тарбиялашдан иборат экан, бунда Навоий даҳоси йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиши ҳақиқатдир.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адабий асарнинг, жумладан, эпик турга мансуб бўлган асарларнинг матни устидаги иш адабий таълимнинг муҳим масалаларидан биридир. Юқорида келтирилган, амалиётда, хусусан, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони матни устида ишлаш” мавзусини ўргатишда қўлланилган дарс тури талабаларнинг якка ва ўзаро фаолияти асосида амалга оширилиб, самарали натижаларга эришиш имконини беради.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И. Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор, «Ишонч» газетаси, 2009 йил 3 июл.

Адабиёт ўқитувчиларининг иш тажрибаларидан. Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 48-56 бетлар.

Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 2006. 536 б.

Голиш Л.В. Фаол ўқитиш усулларида мазмун танлаш, амалга ошириш. Экспресс қўлланма. Т.: Тасис. 2001. 38 б.

Долимов С, Убайдуллаев Ҳ, Аҳмедов Қ. Адабиёт ўқитиш методикаси. Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 448 б.

Йўлдошев Қ. Адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий асослари. Т.:Ўқитувчи,1996. Б.126-127.

Йўлдошев Қ. Ўқувчи нега зерикади? // Шарқ юлдузи. 1991. 6. Б. 203-205.

Мирқосимова М. Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида эпик асарларни ўрганиш. // Тил ва адабиёт таълими. 2003. 2-сон. Б.28-33.

Сарибоева М. Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини замонавий технологиялар асосида ўргатиш. Гулистон: ГулДУ, 2008. 80 б.

Қаюмов А. Фарҳод ва Ширин сирлари. Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1979. 168 б.

Ҳасанова А. Юқори синфларда Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш. Пед. фан. ном... дисс. Т.: 1974. 176 б.

Ҳусанбоева Қ. Навоий ва мустақил фикрлаш//Бошланғич таълим журнали. 2001. 3. Б. 8-11.

Аннотация

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИ МАТНИ УСТИДА ИШЛАШ

М.Сарибаева

Мақолада Алишер Навоий ўз қаҳрамонлари сиймосида ифодаланган ибратли хусусиятларни матн устида ишлаш орқали шакллантириш, самарали мулоқот, равон,

ифодали баён этиш ва асосли ҳимоя қилиш кўникмаларини ривожлантириш, тажриба-синов ишларида қўлланилган дарс усули ҳамда бадиий асарни таҳлил этишнинг методик йўллари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: матн устида ишлаш, эпик асар, ҳамкорлик, натижа, мақсад, интерфаол усул, баҳолаш, метод, методик тавсия

Аннотация

РАБОТА НАД ТЕКСТОМ ПОЭМЫ «ФАРХАД И ШИРИН» АЛИШЕРА НАВОИ

М. Сарибаева

В статье рассмотрены приемы вырисовывания нравенственных качеств героев Алишером Навои, раскрыты способы, последовательного, выразительного, обоснованного изложения мыслей, даны методические рекомендации для проведения экспериментальных занятий, а также проанализированы методы работы над текстом художественного произведения.

Ключевые слова: работа над текстом, эпическое произведение, сотрудничество, результат, цель, интерактивный метод, оценка, метод, методическая рекомендация

Summary

THE ANALYSIS OF THE TEXT OF ALISHER NAVOI'S POEM "FARKHAD AND SHIRIN"

M.Saribaeva

The article displays the approaches applied by Alisher Navoi when he was drawing the moral qualities of his heroes. The ways of a consistent, expressive and grounded account of ideas are revealed, methodical recommendations on conducting experimental classes are given, approaches to working over a text of literature are shown.

Key words: text analysis, epic work, cooperation, result, aim, interactive method, rating, method, methodic recommendation.

Ijtimoiy - iqtisodiy va siyosiy fanlar

УДК: 1 (091) (575. 1)

И. КАНТ ТАЪЛИМОТИДА АБАДИЙ ТИНЧЛИК ҒОЯСИ

Б.Ғофуров
Гулистон давлат университети
E-mail: bahrom-g@mail.ru

Собиқ шўролар даврида фалсафа фанига синфий нуқтаи-назардан ёндашилиб, унда асосан икки йирик оқим-материализм ва идеализмга катта урғу берилар эди. Онгнинг материяга, руҳнинг табиатга бўлган муносабати масаласи фалсафанинг бош масаласи деб қаралиб, нимаики идеалистик нуқтаи-назардан талқин этилган бўлса, албатта рад этилар, буржуа фалсафаси деб танқид остига олинар эди. Табиат, жамият ва одам ҳақидаги инсоният тафаккурининг буюк дурдоналаридан мосуволик ёки уларни менсимаслик XX асрнинг иккинчи ярмига келиб миллий фалсафий тафаккурнинг саёзлашувида, чекланганлигида, бу масалаларга бир ёқлама ёндашувда яққол сезила бошланди.

Жонажон Ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг жаҳон фалсафаси билан яқиндан танишишга катта имкониятлар яратилди. Маълумки, фалсафа инсоният маънавий хазинасининг энг буюк дурдоналаридан бири сифатида умумметодологик характерга эга бўлган табиат, жамият, одам ва олам ҳақидаги энг қадимий фанлардан биридир. Шу билан бирга у миллий истиқлол ғоялари шаклланишининг ўзига хос илдизларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки фалсафий тафаккур шакллангандан бошлаб то ҳозирги кунгача мавжуд бўлган барча фалсафий мактаблар, йўналишлар ва таълимотлар нафақат миллий истиқлол мафкурасининг, балки ҳар қадай мафкура шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам катта аҳамият касб этади.

Шу маънода ҳозирги вақтда жаҳон фалсафий тафаккури, унинг ажралмас қисмларидан бири бўлган Ғарбий Европа фалсафасини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Немис классик фалсафасини эса маълум маънода Европа фалсафий тафаккурининг юраги десак муболаға бўлмас. Чунки бу фалсафа дунёга Кант, Гегель, Фихте, Шеллинг ва Фейрбах каби сиймоларни етиштириб берди.

Немис классик фалсафасининг йирик намоёндаларидан бири бўлган И.Кантнинг ҳаёти ва ижоди шу пайтгача мутахассислар томонидан ҳар томонлама атрофлича ўрганилган ва тадқиқ қилинган. Улуғ мутафаккирнинг илмий меросини ўрганишга бағишлаб ҳар беш йилда дунё миқёсида файласуфларнинг конгресси ва халқаро конференцияларнинг ўтказилиши ҳам фикримизнинг далилидир. Масалан, ЮНЕСКО ҳомийлигида 2004 йил И.Кант вафотига 200 йил, таваллуд топганига 280 йил тўлиши муносабати билан юбилей тадбирлари ўтказилди (Материалы конферен...,2005). Унинг 29 жилддан иборат асарлари тўплами нашр этилган. И.Кантнинг фалсафий қарашлари табиий равишда ўзидан кейинги давр файласуфларига ва фалсафий мактаблари ривожланишига катта таъсир кўрсатган ва улар томонидан турлича шарҳланган. Бу фалсафий меросга муносабат масаласида ўз ифодасини топган бўлиб, неоклассик фалсафий мактаблардан бири бўлган неокантиан фалсафасининг вужудга келишига ва унинг замирида кантшуносликнинг 12 та турли хил мактабларининг шаклланишига сабаб бўлган (Ахмедова, Хан, 1998). Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, Кантнинг илмий-фалсафий меросини ўрганиш, уни тадқиқ ва таҳлил этиш ҳозирги даврда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Шу маънода биз ушбу мақоламизда И.Кант ижодида тинчлик ғоясининг илгари сурилиши, унинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қисқача фикр юритмоқчимиз. Қолаверса, тинчлик бу ер юзидаги барча миллатлар ва халқлар учун, таъбир жоиз бўлса ҳар бир инсон учун буюк неъматдир. Мамлакатнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши ва жамиятда инсон ўз қобилиятларини тўла-тўкис намоён этиб, бахт-саодатли фаровон

турмуш кечириши учун тинчликнинг таъминланиши шарт ва зарурдир. Шу жиҳатдан биз қуйида фикр юритадиганимиз И.Кант илгари сурган кўплаб ғоялар ичида абадий тинчлик ғояси ҳам нафақат ўша давр, балки барча даврлар учун ҳам ўзининг долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Маълумки жамият тарихи бу ғоялар ва мафкуралар тарихидир. Шу билан бирга уни маълум маънода урушлар тарихи десак ҳам муболаға бўлмайди. Ўтмишда яшаб ижод қилган баъзи мутафаккирлар урушларни зарурий, муқаррар ва хатто инсоният тараққиёти учун фойдали деб қараган бўлсалар (Н.Макиавелли, Ф.Венон, Т.Гоббс, Д.Ж.Прудон, Ф.Ницше ва бошқалар), баъзилари урушларни давлатлар ва халқлар тараққиёти учун тўсиқ бўлувчи, улар бошига катта кулфатлар келтирувчи, уларнинг тараққиёти учун рахна солувчи ижтимоий ҳодиса сифатида қаттиқ қоралаганлар (Э.Роттердамский, Ж.Ж.Руссо, М.Ломоносов, И.Кант ва бошқалар) (Ахмедова, Хан, 2004). Инсоният тарихида кўплаб файласуфлар давлатлар ва халқлар ўртасида тинчликни таъминлашнинг турли хил йўл-йўриқларини ва концепсияларини яратишга уринганлар. Жумладан, давлатлар ва халқлар ўртасида абадий тинчликни таъминлаш ғояси И.Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашларида ҳам ўз ифодасини топган. Улуғ мутафаккир ижодида абадий тинчлик ғоясини қисқача таҳлил қилиш, унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш ва кейинги даврлар, айниқса глобаллашув жараёнлари кечаётган ҳозирги дунё учун аҳамиятини кўрсатиб бериш ушбу тадқиқотимизнинг **асосий мақсади** бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот объекти ва қўлланилган методлар

Тадқиқот ишлари Гулистон давлат университетида олиб борилди. Маълумки, фалсафа фани бакалавриятнинг барча таълим йўналишларида ўқитилади. Шу билан бирга “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналишида ушбу фан бошқа йўналишларга нисбатан чуқурроқ ўрганилади. Айнан мана шу йўналишда Ғарбий Европа фалсафасини, унинг ажралмас қисми бўлган немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири И.Кантнинг абадий тинчлик ғоясини таҳлил этиш, унинг жаҳон фалсафаси ривожланишидаги тутган ўрни ва ролини ўрганиш тадқиқот объекти сифатида олинди. Тадқиқотни ўтказишда муаммога оид бирламчи манбалар ва услубий адабиётларни таҳлил этиш, тўпланган маълумотларни умумлаштириш, таққослаш ва солиштириш, илмий ва тарихий холислик (объективлик), анализ ва синтез, индуктив ва дедуктив фалсафий умумлаштириш, тизимли, муаммоли ёндашиш каби методлар ва усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

И. Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси хақида фикр юритар эканмиз унинг “Абадий тинчлик сари” номли асарига (1795) алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Чунки буюк мутафаккирнинг ушбу асарда баён этган фикр-мулоҳазалари жамият бор экан, инсонлар ўртасида турли хил ижтимоий муносабатлар давом этар экан нафақат унинг ўзи яшаган давр учун, балки кейинги даврлар учун ҳам ўта долзарблиги ва қадр-қимматга эгалиги билан катта аҳамятга моликдир. Бу асарида у инсоннинг ер юзидаги барча жонзотлар орасида энг олий қадрият эканлигини, унинг яшашга бўлган ҳуқуқига, тинч-тотув ҳаёт кечиришига ва маънавий юксалишига рахна солувчи қирғин барот урушларни бартараф этишнинг ўзига хос принципларини асослашга уринган. Зеро, И. Кант илгари сурган бу принциплар ҳозирги замон халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос келиши билан ҳам кишини хайратга солади:

1. Агар давлатлар ўртасида тузилаётган тинчлик шартномасида бўлажак урушни келтириб чиқарувчи бирон-бир асос қайсидир ҳар икки томоннинг бирортасида махфий сақланаётган бўлса, у ҳолда биронта ҳам бундай тинчлик шартномаси ҳақиқий деб ҳисобланмаслиги лозим.

2. Барча давлатлар бир-бирларининг ўзаро тенг ҳуқуқлилигини ва мустақиллигини тан олишлари зарур.

3. Бутун инсоният ер юзида тинчликни батамом таъминлаш учун қуролсизланиш лозимлигини онгли равишда тушуниб етмоғи, бунинг объектив зарурият эканлигини англаши ва тан олмоғи керак.

4. Давлатлар ўртасидаги қарзлар ташқи сиёсий масалаларни ҳал этишга сарфланмаслиги керак. Шунингдек, бу қарзлардан уруш мақсадларида ва қуролланишни янада авж олдириш учун фойдаланилмаслиги лозим.

5. Барча давлатлар бир-бирларининг ички ишларига, сиёсий тузумига ва давлат бошқарувига зўравонлик билан аралашмаслиги лозим.

6. Агар давлатлар ўзаро уруш ҳолатида бўлсалар шу урушдан кейин келадиган тинчлик даврида бир-бирларига бўлган ўзаро ишончни йўққа чиқарадиган хатти-харакатларни содир этмасликлари лозим. Акс ҳолда бундай хатти-ҳаракатлар улар ўртасида келажакда тузиладиган тинчлик шартномасига путур етказиши муқаррардир (Кант, 1966).

Кант илгари сурган ушбу ғоялар халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бўлиб, хаттоки бизнинг кунларимизда ҳам бутун дунё сиёсат оламида кечаётган глобаллашув жараёнларида бу ғояларнинг ижтимоий-гуманистик моҳияти катта қадр-қимматга эгадир.

И.Кантнинг фикрича инсоният олдида абадий тинчликка эришишнинг икки йўли мавжуд: бири-урушларни таъқиқловчи юқорида кўрсатилган принципларга асосланган шартномавий йўл бўлса, иккинчиси эса-қирғинбарот урушлардан сўнгги умумжаҳон мозоридаги “абадий тинчлик”дир. Демак, унинг фикрича барча давлатлар ва халқлар ёки ўзаро ҳамжиҳатликда, тинч-тотув яшашлари керак ёки қирғинбарот урушлар натижасида ер юзидан бутунлай йўқ бўлиб кетишлари лозим.

Кантнинг фикрича абадий тинчлик ўрнатиш масаласининг ижобий хал этилиши нафақат давлатлар ва халқларнинг, шу билан бирга жамиятда фаолият юритаётган ҳар бир шахснинг асосий ҳаётий мақсадига айланиши лозим. “Ҳеч қандай уруш бўлмаслиги керак, на сен билан менинг ўртамизда табиий ҳолатда, на давлатлар сингари орамизда ҳам... ҳеч қандай уруш бўлмаслиги керак. Айтиш мумкинки, умумий ва доимий тинчлик ўрнатиш ҳуқуқи тўғрисидаги таълимотнинг шунчаки бир қисмини эмас, балки унинг бутун пировард мақсадини ташкил этади... Тинчлик ҳолати, ахир бу-ўзаро ёнма-ён яшаётган жуда кўплаб одамлар орасидаги, шу билан бирга мен билан сенинг қонунлар томонидан кафолатланган бирдан-бир, ягона ҳолатимиздир...” (Кант, 1966).

И.Кант абадий тинчликка эришишнинг ўзига хос йўл-йўриқларини ишлаб чиқишга уринган. Унинг фикрича “Абадий тинчлик, бу-инсон ўзининг эволюцион тараққиётида ислоҳотлар йўли билан аста-секин муттасил яқинлашиб борадиган олий сиёсий бахт-саодатдир...” (Кант, 1965). И.Кант абадий тинчликни таъминлаш ғояси атрофида бир ёки бир неча давлатларнинг бирлашуви етарли эмаслигини, бу ғояни амалга ошириш учун бутун дунё миқёсида амал қилувчи, барча давлатларнинг манфаатларини бирдай ҳимоя қилувчи сиёсий ташкилотнинг зарурлигини жуда яхши англаб етган (Кант, 1965). Бундай сиёсий ташкилот сифатида у “давлатларнинг доимий конгресси”ни назарда тутган. “Фақат мана шундай конгресс ёрдамида халқларнинг ўзаро баҳс-тортишувларини қандайдир ёввойиларга хос урушлар йўли билан эмас, балки маданиятли халқларга хос суд йўли билан ҳал этишнинг оммавий ҳуқуқини яратиш ғоясини амалга ошириш мумкин бўлади” (Кант, 1965).

И.Кантнинг фикрича индивидлар “амалий идрок” овозига бемалол “қулоқ солиш” ҳолатида бўлсагина, уларда “қатъий императив” талабларига риоя қилиш имкони туғилади (маълумки, “қатъий императив” унинг ахлоқий таълимотида марказий тушунчалардан бири бўлиб ҳисобланади). Инсон табиатида мавжуд бўлган субъектив нуқсонлар унинг ички “Мен” и да яширинган бўлиб, уни доимо курашга чорлайди ва бу кураш ўзаро манфаатлар тўқнашувида ўз аксини топади. Манфаатлар тўқнашуви эса ўз навбатида одамлар ўртасида урушларни келтириб чиқаради. Чунки худбинлик, манфаатпарастлик,

обрў - эътибор, мол - дунё, шон - шуҳрат учун интилиш инсон зотига хос хусусиятдир. Бунинг натижасида одамлар аста-секинлик билан ўзаро ички низоларни бартараф этиш учун умумий қонунларга бўйсуниш лозимлигини, душман кучларига зарба бера олиш учун эса давлат тузиш заруратини англаб етадилар.

Лекин бу ерда энди янги муаммо вужудга келади. Бу янгидан ташкил топган мустақил давлатларнинг ўзаро зиддиятга киришуви муаммосидир. И.Кант таъбири билан айтганда "бу давлатларнинг ҳар бири ўзи учун мустаҳкам тинчликка шундай йўл билан эришишни ҳоҳлайдики, иложи бўлса, бутун дунёни бир ўзи эгаллаб олса" (Кант, 1966). Кучли давлатлар кучсизларининг худудларини ҳарбий куч ёрдамида босиб олишга, уларни иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ўзларига бўйсундиришга ҳаракат қиладилар. Бунинг натижасида давлатлар ўртасида яна кўплаб урушлар авж олиб кетади. Урушлар эса халқлар бошига жуда кўплаб кулфатларни солади, жамият тараққиётини издан чиқаради, моддий ва маънавий таназзулга олиб келади. Лекин аста-секинлик билан табиий қонунларга мос равишда инсониятнинг маданий тараққиёти натижасида кишилар ўртасида тинч-тотув яшаш учун умумий интилиш юзага келади ва бу интилиш уларни онгли равишда ўзаро яқинлаштиради. Табиатнинг ўзи инсониятни эволюцион тарзда мана шундай ҳолатга олиб келади.

Кантнинг фикрича абадий тинчликка эришув бу урушлардан бутунлай холи бўлган, юксак маданият ва инсонпарварлик ривож топган, ҳамда қонун устуворлигига эришилган жамиятдир. Қонун устуворлиги бу жамиятда инсон эркинлиги ва озодлигининг таъминланишидир. Бу инсоннинг ўз эркинлиги, озодлиги, иқтидор ҳамда имкониятларини тўла-тўкис намоён этишидир. Қонунлар устувор бўлган жамиятда урушлар жамият ҳаётидан бутунлай суриб ташланади ҳамда тинчлик ва демократия, маданият ва инсонпарварлик ривож топади. Қонун устуворлиги жамиятда демократик принципларнинг амал қилиши ва халқ фаровонлигининг юксак даражага етишувидир. Бир сўз билан айтганда қонунлар устивор бўлган жамият доимо ривожланади, тараққий этади ва гуллаб яшнайди (Кант, 1966).

Умуман олганда И.Кантни немис мумтоз фалсафасининг асосчиси сифатида тан олиниши бежиз эмас, чунки у ўз ижодида онтология, эпистемология, аксиология ва х.к. азалий фалсафий муаммоларнинг янги давр Европа фалсафасида қўйилиши ва ечилишини янги шароитларда ўзига хос тарзда асослаб берди. Шу билан бирга улуғ мутафаккирнинг юқоридаги каби азалий фалсафий муаммоларга муносабати қатор ўзига хос жиҳатлари билан барча даврлар файласуфларининг ушбу йўналишдаги таълимот ва қарашларидан алоҳида ажралиб туради. Озодлик ва эркинлик, ўзаро ҳамжиҳатликда тинч - тотув яшаш, юксак маънавият, маданият ва инсонпарварлик, ахлоқ ва демократия, жаҳон ҳамжамиятининг глобаллашуви, ҳуқуқий давлат, абадий тинчликка интилиш - буларнинг барчаси И.Кант ижодида марказий ўринни эгаллайди ва кейинги даврлар файласуфлари ижодига, айниқса глобаллашув жараёнлари кечаётган бугунги кун жаҳон сиёсий тафаккурига жуда катта таъсир кўрсатди ва муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса

Умуман, хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, инсоният ўз тараққиётида учинчи минг йилликка, XXI асрга илдам қадамлар билан кириб келди. Бу аср интеллектуал аср, юксак маданият, ҳамда ривожланган техника ва технологиялар асри. Шу билан бирга бу аср экологик, хом-ашё, энергетик, озиқ-овқат, демографик ва шу каби муаммолар асри. Таъбир жоиз бўлса, XXI асрни ядровий уруш хавфи, зиддиятларга тўла глобаллашув жараёнлари, маънавий тушкунлик, ахлоқий инқирозлар каби ўта хавфли муаммолар кенг қулоч ёйган, планетар аҳамият касб этаётган аср дейишимиз ҳам мумкин. Мана шундай зиддиятларга тўла даврда инсониятнинг кейинги бир неча асрлик келажагига ўзига хос тарзда "ташхис" қўйиб кетган, табиат, жамият ва инсон ҳақида долзарб ғояларни илгари сурган улуғ мутафаккир Кантнинг фалсафий қарашлари жуда катта аҳамият касб

этади. Кантнинг бу ғоялари кейинги даврларда жаҳон миқёсида фаол иш юритувчи халқаро ташкилотларнинг (БМТ, ЮНЕСКО ва ҳ.к.) шаклланиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Шунинг учун ҳам Кантнинг фалсафанинг марказий муаммолари бўлган онтология, гносеология, аксиология, ахлоқ, ҳуқуқ ва бошқа соҳаларга оид таълимоти инсоният ўз маънавий тараққиётида эришган энг буюк тафаккур дурдоналаридан бири сифатида эътироф этилади ва юқори баҳоланади.

Қолаверса, бугунги ёшлар ватанимиз келажаги ва ҳозирги авлод амалга ошираётган эзгу ишларнинг давомчиларидир. Шу маънода бизнинг фикримизча, глобаллашув жараёнлари кечаётган, юксак техника ва технологиялар асри бўлган бугунги дунёда уларга жаҳон фалсафаси тарихини, жумладан унинг бир қисми бўлган немис классик фалсафаси намоёндаларининг фалсафий таълимотларини чуқур ўқитиш уларда фалсафий тафаккурнинг кенгайишига, ота-боболаримиздан қолган буюк миллий фалсафий меросни янада кенгроқ ва теранроқ англаб етишларига ёрдам беради. Бу эса муҳтарам Президентимиз олимларимиз олдига қўйган ўзбек миллий фалсафасини яратишдек юксак васифани амалга оширишда катта аҳамият касб этади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ахмедова М.А. и Хан В.С. Основы философии. Т., 1998. С.17.
2. Ахмедова М. Хан В. Основы философии. Т. 2004. С. 481.
3. Кант И. Сочинения в шести томах. Т.6. М.,1966. С. 260, 268, 285, 286, 296.
4. Кант И. Сочинения в шести томах. Т. 4. Ч.2. М.,1965. С. 276, 279, 280, 283.
5. Кант И. Сочинения в шести томах. Т.4. М., 1965. С. 283.
6. Материалы конференции «Кант и современная философия». Москва, МГУ, 19-20 ноября 2004 года // Историко-философский альманах. Выпуск 1. Кант и современность. М., 2005. С. 271.

Аннотация

И.КАНТ ТАЪЛИМОТИДА АБАДИЙ ТИНЧЛИК ҒОЯСИ

Б.Ғофуров

Мақолада буюк немис файласуфи И.Кантнинг илмий-фалсафий мероси ва унинг бугунги кун учун аҳамияти масаласи қисқача тадқиқ қилинган. Шу билан бирга буюк мутафаккирнинг фалсафий-ҳуқуқий қарашлари, унинг “Абадий тинчлик сари” номли асарида илгари сурилган баъзи прогрессив ғоялари хақида фикр юритилади. Бундан ташқари И.Кантнинг абадий тинчлик хақидаги ғоялари билан ҳозирги даврдаги халқаро ҳуқуқ принциплари маълум маънода қиёсий таҳлил қилинган. Мақолада И.Кант фалсафий ғояларининг кейинги даврлар фалсафий таълимотлари шаклланиши ва ривожланишидаги ўрни ва ролини илмий асослашга ҳаракат қилинган.

Таянч сўзлар: неоклассик фалсафа, абадий тинчлик ғояси, оммавий ҳуқуқ, қатъий императив, маданият ва инсонпарварлик, ҳуқуқий давлат.

Аннотация

ИДЕЯ О ВЕЧНОМ МИРЕ В УЧЕНИИ И.КАНТА

Б. Гафуров

В статье кратко исследуется сущность научно-философского наследия великого немецкого философа И.Канта и значение его учения для современности. Также анализируется философско-правовое наследие великого мыслителя и некоторые прогрессивные идеи в его работе «К вечному миру». Даётся сравнительный анализ между идеями И.Канта о вечном мире и принципами международного права. Научно обосновывается место и роль философских идей И.Канта для становления и развития философских учений последующих эпох.

Ключевые слова: неоклассическая философия, идея о вечном мире, массовое право, категорический императив, культура и гуманизм, правовое государство.

Summary

THE IDEA OF ETERNAL UNIVERSE IN I.KANT'S

B.Gafurov

The article briefly conception investigates the essence of the scientific o philosophical heritage of the greatest German philosopher I.Kant and its significance for the present. The great thinker's philosophical legacy and some of his progressive ideas in his work "To eternal universe" are also analized. A comparative analysis of I.Kant's ideas of the ethernal universe and the international law principles is given. The place and role I.Kant's philosophical conceptions for the formation and development of philosophical doctrines of the following epochs is scientifically proved.

Key words: neoclassic philosophy, idea of everlasting peace, mass rights of humanity, categorical imperative, culture and humanism, constitutional state.

УДК 338. 43:575.1.

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Сатторқулов, О.Юсуфалиев, Ш.Турдиқулова

Гулистон давлат университети

E-mail: Obidkul_2011@mail.ru

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, жаҳон бозорларида мустаҳкам ўрин эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада ошириш борасидаги вазифаларни тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Президентимиз И.Каримов томонидан асос солинган тараққиётнинг «ўзбек модели»ни ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиб борилиши тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида аҳамиятли сифат ўзгаришларга эришиш имконини яратди.

Бу борада мамлакатимиз раҳбари И.А.Каримов таъкидлаганидек, "узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, қудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш – бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат".(Каримов, 2010)

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланувчи демократик жамият қуришни мақсад қилиб қўйган мамлакатимиз олдида бу мақсадларга эришиш йўлларини босиб ўтиш, улар тақозо этувчи чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси туради. Шу ўринда, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган тизим амал қилган чоғда инкор этилган, жамият аъзолари фаровонлигининг юксак даражасига эришишда «халал берувчи», «ёт унсур» сифатида қараб келинган иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга қайтадан назар ташлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ўрнини объектив жиҳатдан баҳолаш зарурияти вужудга келди. Бундай тушунчалардан бири – бугунги кунда ривожланган мамлакатлар иқтисодиёти юксак натижалари, аҳоли турмуш даражасининг муҳим томони ҳисобланувчи инфратузилма соҳаси ҳисобланади. Бу соҳанинг «яратувчанлик кучи», «мўъжизакор» табиати, иқтисодиёт жадал ҳаракатининг муҳим омили эканлиги ривожланган мамлакатлар томонидан аллақачонлар эътироф этилган ҳамда юксак даражада баҳоланган.

Тадқиқотнинг мақсади – иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётни таркибий қисмларидан бири инфратузилма фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари, турлари ва уларнинг хусусиятларини ёритиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти ва қўлланиладиган методлар

Тадқиқот объекти бўлиб иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаолият юритувчи инфратузилма тизими субъектлари ва инфратузилмани ташкил этиш жараёни хисобланади. Мақолада диалектика, иқтисодий таҳлил ва синтез, илмий мушоҳада, индукция хамда дедукция усулларидан кенг фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий тараққиётидаги жуда кўплаб омил ва хусусиятларни, жумладан, республикамизнинг геосиёсий ва геостратегик холати, иқтисодий тизимни босқичма-босқич ислоҳ қилиш, давлатнинг фаол белгиловчи роли, ислоҳотларга қадар даврдаги иқтисодиётнинг таркибий тузилишидаги номувофиқликлар, кучли ижтимоий сиёсат зарурлиги кабиларни эътиборга олган ҳолда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга бозор механизмининг самарали амал қилиши учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни, шу жумладан, бозор инфратузилмасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш давлатнинг асосий вазифаларидан бирига айланган.

Президентимиз таъкидлаганидек, “.....кенг тармоқли инфратузилма – фонд ва улгуржи бозорлар, биржалар, кредит ва молия муассасалари, лизинг ва консалтинг компаниялари, тадбиркорларга хизмат қилиши лозим бўлган бошқа тўзилмалар том маънода шакллантирилмас экан, улар тўла куч билан ишламас экан, иқтисодиётимизни очиқ, эркин, энг муҳими, самарали, қисқа қилиб айтганда, ҳақиқий бозор иқтисодиётига айлантира олмаймиз”. (Каримов, 2010)

Бозор иқтисодиёти муносабатларини барқарорлаштиришда инфратузилмани ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эга. Жумладан, бундай хусусиятлардан бири бўлиб инфратузилманинг самарали амал қилишини таъминлашда давлатнинг алоҳида ролини зарурлиги ҳисобланади. Чунки, бундай зарурият бир неча унсурлар билан изоҳланади:

- инфратузилма соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турувчи бозор механизмининг самарали амал қилмаслиги;

-инфратузилма объектларини худудлар кесимида нотекис ривожланиши;

-инфратузилма объектлари хизматига бўлган нархлар бўйича талабнинг эластик эмаслиги;

-инфратузилма хизматлари кўламини тез суръатлар билан ўсиши ва уларни молиялаштиришда давлат маблағларининг ахамиятини ортиб бориши;

-инфратузилма хизматлари бозорининг нотекис таркибий тузилиши натижасида бозордаги мувозанатга эришишда давлат томонидан аралашувнинг зарурлиги;

-инфратузилма соҳаси фаолиятининг ривожланиши асосий тармоқнинг ривожланиш даражасига боғлиқлиги ва бошқалар.

Республикамизда инфратузилма тизимини шакллантириш ва уни янада ривожлантириш борасида давлат томонидан қуйидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратиш кўзда тутилган:

- инфратузилманинг барча субъектлари мажмуасини шакллантириш;

-инфратузилма субъектлари ўртасидаги бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш;

-инфратузилманинг барча субъектлари фаолиятини атрофлича ташкил этиш;

-инфратузилма унсурларини ривожлантириб, янгиларини вужудга келтириш;

-иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашувчи идораларни барпо этиш;

-бозор шароитида ишлай оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга эътибор қаратиш.

Мамлакатимизда инфратузилмани ривожланишининг хусусиятларидан яна бири – бу унинг алоҳида эмас, балки иқтисодиётда олиб борилаётган жараёнлар ва ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб борилишидир. Жумладан, мулкчиликнинг турли шаклларини вужудга келтиришда давлат мулкини баҳолаш, уни сотишга тайёрлаш ва сотиш, янги мулк эгасига бериш, мулк эгалари ўртасидаги битимларни рўйхатга олиш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришда салоҳиятли мулк эгаларини аниқлаш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби вазифаларни бажариш мақсадида кўплаб инфратузилма унсурлари барпо этилди. Шунингдек, иқтисодиётнинг барча соҳалари, айниқса инфратузилма таркибига кирувчи банк, кредит, суғурта тизимлари фаолиятининг эркинлаштирилиши ҳам янги ташкилий тузилмаларнинг шакллантирилишига имкон яратди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал суръатлар билан ривожлантириш, ўрта мулкдорлар синфини қарор топтиришга бўлган эътибор тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга, уларнинг иш самарасини оширишга ихтисослашган кўплаб тизимларнинг вужудга келишига олиб келди.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш кўп бўғинли инфратузилмани яратишни талаб қилади. Инфратузилма турли хил вазифаларни бажарувчи таркибий қисмлар, унсурлардан иборат тизимда намоён бўлади. Шунга мос ҳолда, инфратузилманинг таркибий қисмларини белгилаб олиш, уларнинг ҳар бирини аҳамиятини ўрганиш ва иқтисодий табиатини очиб бериш муҳим ҳисобланади. Ҳозирги кунда инфратузилма таркибини белгилаш, мазкур тизимга кирувчи унсурларни кўрсатиб беришда маълум номувофиқликлар мавжуд. Жумладан, бир қатор иқтисодчи олимлар томонидан инфратузилма ташкилий-иқтисодий алоқаларини ўрнатишга ва самарали юритишга хизмат қилувчи корхона, ташкилот ва муассасалар мажмуи сифатида қаралмоқда ҳамда у беш бўғинга бўлинмоқда:

-ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилма (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика кабилар);

-товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотиқ ишларига хизмат қилувчи инфратузилма (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотиқ ва уларни назорат этувчи муассасалари);

-молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилма (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари);

-аҳолига хизмат қилувчи ёки социал инфратузилма (уй-жой, коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари);

-ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳар хил ахборотлар – маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари, давлат муассасалари) (Ўлмасов, Шарифхўжаев, 2000).

Инфратузилманинг функционал белгиси уни такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиб беради, яъни савдо воситачилик, молия-кредит, иқтисодий-ахборот, иқтисодий-ҳуқуқий, ташқи иқтисодий кабилардир.

Инфратузилма тармоқ нуқтаи назаридан – савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот-ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқдир. Чунончи, солиқ идораси, суғурта муассасасининг баъзи турлари, божхона, эмиссия банки каби тузилмалар бевосита давлат

томонидан ташкил этилганлиги боис, улар иқтисодий фаолиятнинг зарурий меъёр ва тартибларда олиб борилишини таъминлашга хизмат қилади.

Умуман, пухта ва асосли ташкил қилинган инфратузилма тизими жамиятимиз тараққиётининг барча соҳаларида бирдек амал қилишига эришиш лозимдир.

Инфратузилмани ўрганишда унинг икки жиҳатини бир-биридан фарқлаш лозим. Жумладан, бозорлар тизими фаолияти учун моддий - ашёвий ва иқтисодий шароитларни яратувчи (омборхоналар, иншоотлар, савдо майдонлари, биржа тижорат) ва пул айланишини таъминлашга қаратилган бозор субектлари фаолияти борасидаги иқтисодий муносабатлар. Яъни, бозор тизими фаолияти бўйича илмий амалий хулосалар, тавсиялар мавжудки, улар бевосита ўтиш даврида бозор инфратузилмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Президент И.А.Каримов, авваламбор, бозор шароитида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро муносабатларни таъминлайдиган муҳит яратиш зарурлигини таъкидлаган ҳолда инфратузилмани яратиш биринчи даражали вазифалардан бири эканлигини таъкидлайди. Маъмурий бўйруқбозлик тизимидан мерос бўлган иқтисодий муносабатлар механизмини бозор муносабатлари механизми билан алмаштириш ва шу асосда ишлаб чиқарувчилар ҳамда истеъмолчилар манфаатлари муштараклигини таъминлаш, бунинг учун "билвосита хўжалик алоқаларини бир томонлама ривожлантириш, товарлар, сармоя, ишчи кучи ва бошқа бозорларни шакллантириш борасидаги чора - тадбирларни амалга ошириш, инфратузилмани вужудга келтириш, бозор шароитида ишлай оладиган малакали кадрлар тайёрлаш зарурдир (Каримов, 2009).

Ўтиш даврида стратегик жиҳатдан устувор йўналишлардан бири - бозор хизмати тармоқларини шакллантириш ва изчил ривожлантиришдир. Ривожланган бозор иқтисодиётига даъват қиладиган тармоқлар — тижорат банклари тармоғи, замонавий солиқ тизими, аудит, суғурта воситаси ва биржа фаолиятини ривожлантирмай туриб, бозор иқтисодиёти сари аниқ қадам ташлаш мумкин эмас. Чунончи, ўтиш даврида ушбу йўналиш анча заиф бўғин бўлиб ҳисобланганлиги боис, инфратузилмани комплекс шакллантириш вазифасини ҳар томонлама тақозо этади.

Инфратузилмани тавсифлашда, ривожланган инфратузилмага эга бўлган мамлакатлар тажрибасини таҳлил қилиш ва мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бир неча услубий ёндашувлар тавсия этилади**:**

1.Функционал - бу такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашдаги ролини тўлиқ очиб беради. Булар: савдо воситачилик, молия - кредит, иқтисодий - ахборот, иқтисодий - ҳуқуқий, ташқи иқтисодий кабилар.

2.Тармоқ – бу тармоқдаги ташкилий-хўжалик муносабатларини амалга оширилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, унинг таркибига савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқ бўлган инфратузилма объектлари киради.

3.Бозорларга хизмат қилиш белгиси бўйича инфратузилма таркибига турли бозорларга хизмат қилувчи ҳамда универсал характерга эга бўлган тижорат банклари, суғурта компаниялари, маслаҳат, аудиторлик фирмалари, ахборот муассасалари киради.

4**.** Ҳудудий фаолияти бўйича:

- халқаро (халқаро банклар, биржалар, суғурта компаниялари, чет эл фирмалари ваколатхоналари, чет эл банклари филиаллари, ташқи савдо фирмалари, божхона ташкилотлари, халқаро ярмаркалар ва ҳ.к.).

-миллий (Савдо - саноат палатаси, Ўзбекистон фермерлар кенгаши, товар хом ашё биржаси, Агробанк ва ҳ.к.).

-ҳудудлараро (ҳудудий товар биржалари, ҳудудлараро улгуржи савдо уюшмалари ва ҳ.).

-ҳудудлар (вилоятлардаги улгуржи савдо, тижорат банклари савдо **у**йлари ва ҳ.к.).

-шаҳар ва туманлардаги (улгуржи ва кичик улгуржи, маркетинг, реклама филиаллари, адвокатлик идоралари, аудиторлик фирмалари ва бошқалар).

5.Мулк шакллари жиҳатидан:

-давлат, кооператив ва хусусий мулк шаклидаги инфратузилма;

-ижтимоий ташкилотлар мулкига тааллуқли бўлган инфратузилма;

-хорижий мулкдорларга тегишли бўлган инфратузилма;

-аралаш мулк шаклидаги инфратузилма.

6.Ривожланиш даражаси бўйича инфратузилма:

-эски тизимдан қолган ва ҳозирги давр тижорат ҳамда бизнеснинг ривожланиши муносабати билан тубдан ўзгартиришни талаб қиладиган инфратузилма;

-янги шакллантирилган инфратузилма;

-шаклланган ва ўзининг фаолияти даражаси билан ҳозирги замон талабларига жавоб берувчи инфратузилма.

Инфратузилма йириклаштирилган тарзда учта йирик товарлар ва хизматлар, капитал ҳамда меҳнат бозорларига хизмат қилувчи фаолият турларини ўз ичига олади.

Бизнинг фикримизча, ўтиш даврининг ҳозирги босқичида юқорида қайд этилган инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши бозор иқтисодиёти талаб ва тамойилларини амал қилишида асосий вазифалардан бири сифатида тан олинмоғи лозим. Чунки, бу тузилма кенг кўламда шаклланиши нафақат бозор муносабатларини ривожлантиришда, балки унинг таъсирида иқтисодиётнинг барча моддий ишлаб чиқариш тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида ортиқча меҳнат ресурсларини кўшимча иш жойлари билан таъминлашда катта ўрин тутади.

Инфратузилма субъектларини уларнинг бажарадиган вазифасига қараб туркумлаш мумкин:

-тадбиркорларни тайёрлаш ва ўқитиш;

-хусусий бизнесни рўйхатга ўтказиш ва ҳисобга олиш;

-молия - кредит тизими;

-улгуржи воситачилик тузилмалари;

-биржа бозорлари;

-агрохизматлар бозори;

-хизматлар бозори;

-транспорт таъминоти;

-ташқи иқтисодий алоқаларнинг таъминланиши.

Тадбиркорликни ривожлантириш, уни жадал ўсиши учун кадрларнинг қудратли асоси керак. Республиканинг меҳнатга яроқли аҳолиси шундай асос ҳисобланади. Шу мақсадларда тадбиркорлик соҳасида ишловчи кадрларни тайёрлаш тизими ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Хизматлар бозори - ҳозирги кунда жадал ривожланаётган тармоқ ҳисобланади. Ривожланган бозор иқтисодиётида хизматлар бозори асосий ишни бажаради. “2012 йилда хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам юқори суръатлар билан ривожланди. Аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб 15 фоизга ўсди, ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши эса бугунги кунда 52 фоиздан зиёдни ташкил этади. Бу жараёнда хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турлари жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди” (Каримов, 2013).

Инфратузилмани ривожлантириш босқичма - босқич амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Ана шунда инфратузилма ташқи муҳит ўзгаришларига мослашиб боради ва жамиятдаги муоммоларни ҳал қилиб туради. Масалан, бир вақтнинг ўзида инфратузилма ишга қобилиятли одамларни ҳам, вояга етаётган меҳнатга яроқли ёшларни ҳам иш билан таъминлаб боради.

Инфратузилма кўп вариантли ҳисобланади, у қотиб қолган шаклда эмас, балки ҳаракатчан ва ривожланиб бораётган тизим шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, инвестициялашнинг ҳоҳлаган усули, мулкнинг ҳоҳлаган шакли асосида уни ривожлантириш бўйича турли усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ахборот бозор иқтисодиёти шароитида энг арзон товарлардан бири бўлиши лозим. Чунончи, асосий даромад ахборотга эга бўлишдан эмас, балки ундан самарали фойдаланишдан олиниши керак. Бироқ, маъмурий-бўйруқбозликка асосланган хўжалик даврида давлат ушбу соҳада ўзининг якка ҳукмронлик мавқеини ўрнатдики, бу ҳолат ҳалигача тадбиркорликнинг ривожланишига тўсқинлик туғдирувчи омил сифатида таъсир қилиб келмоқда. Шунга кўра, фаолият кўрсатаётган барча тадбиркорлар учун амалдаги қонунчилик, уларга аниқлик ва ўзгаришлар киритилиши, иқтисодий ҳамкорлар, биржа маълумотлари, акция котировкалари ва бошқалар тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни имкон қадар энг паст нархларда тақдим этиш давлатнинг мажбуриятларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Тадбиркорларни зарур ахборотлар билан таъминлашда Савдо - саноат палатаси ҳам етақчилик ташаббусини ўз қўлига олиши мумкин. Бундан ташқари, палата тадбиркорлар ва аҳоли кенг қатламининг иқтисодий билим даржасини ошириш, бозор кўникмаларини ҳосил қилиш ва бу борада маслаҳат хизматлари кўрсатиш ишларини ҳам фаоллаштириши лозим.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатлар ижтимоий-иқтисодий тараққиёти тажрибаси шуни кўрсатадики, инфратузилма соҳаси асосий тармоқ ва соҳаларнинг тўлақонли фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган шарт-шароитлар билан таъминлар экан, айни пайтда мазкур соҳанинг ўзи ҳам «ҳаёт кечириш» учун маълум шароитлар бўлишини тақозо этади. Шунингдек, инфратузилма таркибий қисмларининг зарур бўлган барча кўринишларини таркиб топиши ва талаб даражасида хизмат кўрсатиши учун ушбу жараённи маълум даражада давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилиш зарур бўлади.

Мамлакатимизда инфратузилма тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида фикр юритилар экан, биринчи навбатда бу соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларига тўхталиш лозим. Зеро, бу ҳолат инфратузилманинг иқтисодий табиатидан келиб чиқиб, уни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқарилиши инфратузилмани ривожлантиришда давлат иштирокининг муҳим омилга айланишини тақозо этувчи қўйидаги қоидалар орқали изоҳланади:

-одатда инфратузилма соҳасидаги талаб ва таклифни тартибга солиб турувчи бозор механизми товарлар бозоридаги механизм каби самарали амал қилмайди;

-инфратузилма объектларининг хизматига нарх мослашувчан эмас, шу боисдан ҳам уларни пасайтириб, катта қувватлардан фойдаланишга эришиб бўлмайди;

-инфратузилма хизматлари бозорининг нотекис таркибий тузилиши;

-инфратузилма таркибига кирувчи кўпгина тармоқлар техникавий ва иқтисодий сабабларга кўра бозорнинг олигополия ва монополия сингари шаклларидагина ишлаши мумкин.

Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, бозор ва тадбиркорлик тамойиллари ҳамда омилларидан самарали фойдаланилмай, инфратузилма объектларига фақат давлатнинг эгалик қилиши кам самара бериши мумкин. Агар бозор-рақобат омилларидан

фойдаланилса, инфратузилма хизматини такомиллаштириш ва инвестициялар кўламини кенгайтириш борасида катта имкониятлар очилади.

Бу мақсадларга эришиш учун:

-инфратузилма тизимидан фойдаланишда тижорат қоидаларини қўллаш;

-хусусий сектордаги фирмалар томонидан рақобатнинг рағбатлантирилиши;

-инфратузилма объектлари фаолиятининг зарур даражада тартибга солиб турилиши;

-инфратузилма объектлари хизматидан фойдаланувчилар ва бошқа манфаатдор шахсларнинг режалаштириш, инфратузилма хизматларини ташкил этиш ҳамда шу хизматлар устидан назорат ўрнатишдаги иштирокини фаоллаштириш зарур (Абдурахмонов, 2009).

Бу чора-тадбирлар фақат сиёсатни ўзгартиришнигина назарда тутмай, балки инфратузилма иши тизимини тубдан қайта тузишни ҳам назарда тутади.

Инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ривожлантиришда маҳаллий бошқарув органлари имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим йўналиш хисобланади. Чунки мазкур органлар ўз маҳаллий бюджет даромадларининг ортиши, ҳудуддаги аҳоли турмуш даражасининг ўсишидан манфаатдор экан, бу мақсадларга фақат иқтисодий фаолият учун зарур шарт-шароитларни таъминлаб бериш орқали эришадилар. Шунга кўра, инфратузилмани ривожлантиришда маҳаллий бошқарув органларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлади:

-хўжалик юритувчи субъектларни ташкил этиш учун шароит яратиш, кичик бизнес корхоналарини рўйхатдан ўтказиш, уларнинг самарали фаолияти юзасидан мониторинг ўрнатиш;

-тадбиркорлик фаолиятини, шу жумладан инфратузилма унсурларини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш;

-ҳудудда бўш, фойдаланилмаётган ёки самарасиз фойдаланилаётган бино, иншоот ва бошқа ишлаб чиқариш қувватларини аниқлаб, улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида уларни кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларга сотиш ёки ижарага бериш;

-тадбиркорликни ривожлантириш, бозор ва кредит масалаларига тааллуқли ахборотларни тадбиркорларга етказиш ва бошқа хизматлар бўйича вилоят, туман, шаҳар ҳокимиятлари қошида махсус марказлар ташкил этиш;

-ҳудудда тадбиркорлик фаолиятини жонлантириш учун инфратузилмани ривожлантириш;

-кўп сонли ўзаро рақобат қилувчи корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ривожланиши учун моддий-техника ресурсларининг улгуржи ва майда улгуржи савдоси, лизинг, консалтинг, инжиниринг ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича шароитлар яратиш;

-ҳудудда тадбиркорликнинг ривожланишига шароит яратувчи инфратузилмани шакллантириш ва ривожлантириш жараёнларини режалаштириш ҳамда башорат қилиш ишларини амалга ошириш ва такомиллаштириш, жумладан, ҳудудларда инфратузилма объектларини ташкил этиш ва ишга тушириш дастурларини ишлаб чиқиш;

-бу соҳанинг ривожланишини бошқа иқтисодий жараёнларга таъсирини кўрсатувчи турли даражадаги прогноз ишларини амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бу каби чора-тадбирларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши маълум вақт ичида ушбу соҳа муассасалари фаолиятининг кенгайишига, иш самарадорлигининг ошишига ва пировард натижада иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши орқали республикамиз аҳолиси моддий фаровонлигининг янада юксалишига имкон яратади.

Хулоса

1.Инфратузилма объектларини худудлар кесимида нотекис ривожланиши, инфратузилма объектлари хизматига бўлган нархлар бўйича талабнинг эластик эмаслиги, инфратузилма

хизматлари кўламини тез суръатлар билан ўсиши ва уларни молиялаштиришда давлат маблағларининг ахамиятини ортиб бориши ҳамда инфратузилма хизматлари бозорининг нотекис таркибий тузилиши натижасида бозордаги мувозанатга эришиш каби иқтисодий жараёнлар давлат томонидан аралашувни зарур қилиб қўяди.

2.Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилманинг барча субъектлари мажмуасини шакллантириш, инфратузилма субъектлари ўртасидаги бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш, инфратузилма унсурларини ривожлантириб, янгиларини вужудга келтириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кўмаклашувчи идораларни барпо этиш ва бозор шароитида ишлай оладиган юқори малакали кадрларни тайёрлаш давлатнинг иқтисодий сиёсатини устувор йўналишларидан хисобланади.

3.Инфратузилма тармоқ нуқтаи назаридан – савдо, таъминот, маҳсулотни сотиш, тайёрлов, молиялаш, кредит, суғурта, ахборот-ҳисоблаш, кўчмас мулк билан операциялар ва умумий тижорат фаолияти билан боғлиқдир.

4.Инфратузилма субъектларини уларнинг бажарадиган вазифасига қараб: тадбиркорларни тайёрлаш ва ўқитиш; хусусий бизнесни рўйхатга ўтказиш ва ҳисобга олиш; молия - кредит тизими; улгуржи воситачилик тузилмалари; биржа бозорлари; агрохизматлар бозори; хизматлар бозори; транспорт таъминоти каби турларга ажратиш мумкин.

5.Инфратузилма кўп вариантли ҳисобланади, у қотиб қолган шаклда эмас, балки ҳаракатчан ва ривожланиб бораётган тизим шаклида бўлади. Шунинг учун ҳам бизнинг фикримизча, инвестициялашнинг ҳоҳлаган усули, мулкнинг ҳоҳлаган шакли асосида уни ривожлантириш бўйича турли усулларни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар рўйхати:

Абдурахмонов Қ.Х.Меҳнат иқтисодиёти.-Т.:Меҳнат, 2009.10-17б.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.// Халқ сўзи. 12.11.2010 й.

Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш-давр талаби.Т., “Ўзбекистон” 2009. 52 б.

Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш.//Халқ сўзи. 19 январь, №13, 2013.

Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т., 2000, 189-190 б.

Аннотация

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИНФРАТУЗИЛМА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

О.Т.Сатторқулов, О.А. Юсуфалиев, Ш.О.Турдиқулова

Мақолада иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш шарт-шароитлари, тамойиллари, уларнинг хусусиятлари ва турлари тадқиқ этилган. Республикамизда инфратузилма тизимини шакллантириш ва уни янада ривожлантириш борасида давлат томонидан ишлаб чиқилаётган ва амалга оширилаётган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган. Инфратузилма таркибига кирувчи муассасалар фаолиятини эркинлаштирилиши янги тузилмаларни шаклланишига ва пировард натижада тизим самарадорлигини ошишига замин яратади.

Таянч сўзлар: Инфратузилма, инновация, тизим, субъект, самарадорлик, иқтисодий муносабатлар.

Аннотация

ОСОБЕННОСТИ ОРГАНИЗАЦИИ ИНФРАСТРУКТУРЫ В УСЛОВИЯХ МОДЕРНИЗАЦИИ ЭКОНОМИКИ

О.Т.Сатторқулов, О.А. Юсуфалиев, Ш.О.Турдиқулова

Данная статья посвящена изучению условий деятельности инфраструктуры, её принципов, особенностей и основных видов в условиях модернизации экономики. В нашей республике особое внимание уделяется мерам, разрабатываемым и реализуемым государством по формированию и

дальнейшему развитию системы инфраструктуры. Либерализация деятельности учреждений, входящих в состав инфраструктуры, служит базой для формирования новых структур и, в конечном итоге, повышения эффективности системы в целом.

Ключевые слова: Инфраструктура, инновация, система, субъект, эффективность, экономические отношения.

Summary

INFRASTRUCTURE ORGANIZATIONS PARTICULARITIES UNDER ECONOMICS MADERNIZATION CONDITIONS

O.T.Sattorkulov, O.A.Yusufaliev, Sh.Turdikulova

The article is devoted to the study of infrasttructure organization its principles, peculiarities and main types under economics modernization. Special attention is paid to the measures on forming and further developing the infrastructure system in our Republic. The liberalization of the activity of institutions included into infrastructure serves as the base for forming new structures and in the end, improving the system efficiency as a whole.

Key words: Infratsructure, innovation, system, subject, effectivity, economical relations.

УДК: 631.14:631.1.016.4(576.1)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

К.Э.Хидиралиев
Гулистон давлат университети
E-mail: Kamil 2006@yandex.ru

Сирдарё вилоятининг иқтисодий салоҳияти кўриқ ерларни ўзлаштириш асосида шаклланган бўлиб, хўжалик фаолияти аграр йўналишдир. Энг юқори ихтисослашган тармоқлар пахтачилик, дончилик ва полизчилик ҳисобланди. Бу ерда табиий-иқтисодий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги бошқа вилоятларга нисбатан паст даражада. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги ҳамда чорва моллари маҳсулдорлиги паст. Шу боис қишлоқ хўжалигининг тармоқлар ва ҳудудий таркибини такомиллаштиришни илмий тадқиқ қилиш: биринчидан, сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли экин майдонларини кенгайтириш имконияти чекланганлиги; иккинчидан, вилоят ўзини ўзи озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаши зарурлиги; учинчидан, вилоят қишлоқ хўжалигини табиий ва ижтимоий-иқтисодий омилларини ҳисобга олмаган ҳолда ихтисослашганлиги; тўртинчидан, янги ўзлаштирилган ҳудудда пахта яккаҳокимлиги, ерлар мелиоратив ҳолатининг ёмонлашганлиги, экин навлари ва чорва моллари зотининг пастлиги, алмашлаб экиш агротехникаси бузилганлиги каби муаммолар уларни илмий жиҳатдан ўрганишни тақозо этмоқда.

Ушбулардан келиб чиққан ҳолда вилоят қишлоқ хўжалиги салоҳиятини чуқур таҳлил этиш, бозор иқтисодиёти шароитида уни ривожлантиришнинг назарий ва услубий асосларини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади. Ўзбекистонда ушбу муаммонинг назарий ва амалий томонлари К.И.Лапкин, О.К.Замков, С.К.Зиядуллаев, М.А.Содиқовлар томонидан ўрганилган. Лекин юқоридаги ва бошқа олимларнинг ишлари асосан йирик ҳудудлар даражасида олиб борилган. Айни вақтда вилоятнинг қишлоқ хўжалигига ихтисослашуви масалалари бозор иқтисодиёти қонунларидан келиб чиққан ҳолда етарли даражада ўрганилмаган. Шу жиҳатдан тадқиқотнинг мақсади-Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги самарадорлигини ошириш йўлларини ёритиш, унинг ихтисослашув масалаларини тахлил қилиш ҳисобланади (Содиқов, 1989).

Тадқиқот объекти ва қўлланиладиган усуллар

Тадқиқот объекти сифатида Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалиги соҳаси олинди. Сирдарё вилоятининг табиий ва ижтимоий-иқтисодий шароити, иқтисодий салоҳияти бошқа минтақалардан сезиларли фарқ қилади. Вилоят республиканинг 1,0 % ҳудудини

ташкил этган ҳолда, аҳолининг 2,6 %, ялпи ички маҳсулотни 1,3 %, ялпи саноат маҳсулотини 1,3 %, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотини 3,9 % ни беради.

Таъкидлаш жоизки кейинги йилларда картошка, сабзавот ва полиздан ташқари, барча қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлиги сезиларли даражада пасайди. Бу эса Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигини тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлади.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланиш даражаси, унинг ихтисослашуви ва ҳудудий ташкил этишни таҳлил қилиш ва бозор муносабатлари нуқтаи назаридан баҳо бериш долзарб ҳисобланади. Ушбу тадқиқот иши иқтисодий география ва минтақавий иқтисодиёт фанларида яратилган илмий ғоя ва тушунчалар, қишлоқ хўжалигини ҳудудий ташкил қилиш бўйича илмий йўналишлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг тамойилларига асосланади (Каримов, 1998).

Мазкур мақолада Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг Давлат статистика департаменти, вилоят иқтисодиёт ва статистика бошқармаси маълумотлари ҳамда илмий ва картографик манбалар асосида тайёрланди. Изланиш мобайнида илмий манбалар таҳлили, тарихий, картографик, таққослаш, статистик, тизим-таркиб, эконометрик, экстраполяция ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили

Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, мамлакатимиз минтақалари ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш устивор йўналишлардан ҳисобланади. Мавжуд табиий-иқтисодий шарт-шарит ва ресурслардан ҳамда бозор талабларидан келиб чиқган ҳолда ишлаб чиқаришни оқилона ихтисослашувини шакллантириш ва такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мустақиллик йилларида аграр сиёсатимизнинг асосий тамойиллари ишлаб чиқилди ва изчил амалга оширилмоқда. Қисқа вақт ичида қишлоқ хўжалигида кўп қатламли иқтисодиёт шаклланди, сезиларли таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Қишлоқ хўжалигида эски тизимдан мерос бўлиб қолган пахта яккаҳокимлигига барҳам берилди, дон мустақиллигининг асослари яратилди.

Маълумки, собиқ бошқарув тизимида республикалар иқтисодий ривожланиш йўлларини белгилашда вилоят ва туманлар ҳамда шаҳарлар ишлаб чиқариш имкониятлари, уланинг ресурслар билн таминланганлик даражаси яхши инобатга олинмаган. Натижада иқтисодиётнинг барча соҳаларида, айниқса қишлоқ хўжалигида жиддий муаммолар вужудга келди. Энг аввало қишлоқ хўжалик ва саноат маҳсулотлари нархлари ўртасидаги нисбатнинг аграр соҳа зарарига тинимсиз ошиб бориши оқибатида иқтисодиётида қишлоқ хўжалиги етакчи мавқе эгаллайдиган минтақалар мураккаб молиявий-иқтисодий шароитга тушиб қолди.

Мустақиллик йилларида хўжалик юритишнинг янги шакллари жорий қилиниб, қишлоқ хўжалигини ихтисослашувини, унинг ҳудудий таркибини биринчи навбатда маҳаллий талаб ва эҳтиёждан келиб чиқган ҳолда ўзгартириш, мулк ва маҳсулотнинг ҳақиқий эгасини шакллантириш каби вазифаларни амалга ошириш йўлида муаян натижаларга эришилди. Бу борада ечимини кутаётган қатор муаммолар ҳам мавжуд. Жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳар бир ҳудуднинг мавжуд табиий ва ижтимоий-иқтисодий салоҳияти, экологик вазияти ва бозор иқтисодиёти қонунларини ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштириш ҳамда ҳудудий ташкил этиш энг долзарб масалаларидан биридир.

Ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятига, унинг асосий муаммларига баҳо бериш учун авваламбор унинг иқтисодиётини тарихий шаклланиш жараёнини ўрганиш лозим. Бу иқтисодиётни ҳозирги ихтисослашуви ва ўзига хос тармоқлар ва

ҳудудий таркибини қандай шаклланганлигига илмий нуқти назардан баҳо бериш имконини беради.

Тарихий маълумотларга кўра, Мирзачўлни ўзлаштириш XVII асрда Бухоро хони Абдуллахон даврида бошланган бўлса ҳам техник базанинг заифлиги учун кенг ривожланмади. Чор Россияси даврида ҳам бу борадаги уринишлар натижа бера олмади. Масалан, 1916 йилда Мирзачўлда атиги 36 минг гектар ер суғорилиб, унинг 19 минг гектарига пахта экилган, холос. Мирзачўлни ўзлаштириш учун ҳақиқий "ҳужум" XX асрнинг 50-йилларида бошланган. Қисқа муддат ичида қурилган йирик суғориш иншоотлари (Шимолий Мирзачўл канали (ҳозирги Дўстлик канали), Хўжамушкент ва Жиззах сув омборлари) натижасида қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 1670,0 минг гектар, жумладан экинзор 755,0 минг гектарга етди. Шу майдонларнинг 382,7 ва 277,5 минг гектари Сирдарё вилоятига тўғри келади (Хидиралиев, 2002).

Сирдарё вилоятининг ташкил этишдан мақсад (1963 йил) ҳам, биринчи навбатда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш асосида қишлоқ хўжалик тармоқларини ривожлантириш кўзда тутилган эди. Бу албатта, иқтисодиётни ихтисослашуви ва мужасамлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Қўриқ ерларни ўзлаштириш учун эндигина вужудга келаётган шаҳар ва шаҳарчаларда (Янгиер, Ховос, Гулистон, Сирдарё, Ширин) қурилиш материаллари корхоналари, темир-бетон конструкциялари корхоналари, ғишт заводлари, машина ва ускуналарни таъмирлаш корхоналари ва электростанциялар бунёд этилди. Айтиш жоизки, советлар даврида, вилоят иқтисодиёти бир томонлама, фақат янги ерларни ўзлаштириш ва шу асосда пахтачиликни ривожлантириш доирасида шаклланди. Оқибатда бутун республикага хос бўлган пахта яккахокимлиги, Сирдарё вилоятида яққол ўз аксини топди.

Республикамиз мустақилликка эришгач Сирдарё вилоятида ҳам бозор муносабатларини шакллантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Кўп мулкчиликка асосланган иқтисодиётнинг шаклланиши, ишлаб чиқаришнинг талаб асосида ривожланиши ўз навбатида саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, капитал қўйилмаларга тўғридан-тўғри ўз таъсирини ўтказа бошлади. Қишлоқ жойларда ижтимоий инфратузилма тармоқларини ривожлантириш, кичик ва ўрта озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналарини қурилиши аҳолини иш билан таъминланишига, турмуш ва меҳнат шароитларини яхшиланишига олиб келди.

Вилоят республикамизнинг муҳим қишоқ хўжалиги минтақаларидан бири ҳисобланади. Хўжалиги ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб янги ерларни ўзлаштириш ҳисобига аграр йўналишда шаклланган. Ҳозир мамлакатимизда етиштирилаётганган пахтанинг тахминан 5,7%, доннинг 5,7%, полиз маҳсулотларининг 16,5%, сабзавотларнинг 3,3 %, гўштнинг 3,1 %, сутнинг 3,3 % Сирдарё вилояти таъминлайди.

«Вилоят ҳудудида экиб келинаётган қишлоқ хўжалик экинлари турларини ўзгартириш ва ҳудудийлаштириш масаласи турибди-дейди И.А.Каримов-ҳаётнинг ўзи ҳозирги кунда кам ҳосил ерларда экин экишни янги методларини жорий этишни, юқори ҳосил берувчи экин навларини районлаштиришни талаб этмоқда» (Каримов, 1999).

Вилоятда асосан обикор деҳқончилик ривожланган. Пахтачилик, деҳқончилик, полизчилик ва сабзавотчилик ихтисослашган тармоқлар ҳисобланади, уларнинг ҳиссасига жами экин майдонларининг 93,2% тўғри келади. Мустақиллик йилларида экин майдонлари таркибида сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. Пахта экин майдоннинг қисқариши ҳисобига дон экин майдонлари кенгайди. Натижада ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларида озиқ-овқат экин турлари улуши кўпайди. Қишлоқ хўжалигининг туманлараро ихтисослашуви оқилона шаклланмаган:

1) вилоят туманларида деҳқончилик ва чорвачилик тармоқлари бир-бирлари билан мувозанатли ривожланмаган. Аксарият туманларда чорвачиликнинг ривожланиш даражаси деҳқончиликка нисбатан орқада қолмоқда;

2) туманларда деҳқончилик тармоқлари бўйича ихтисослашув ер-сув ресурсларининг сифати, унумдорлиги ҳамда бошқа табиий-шароитларни инобатга олмаган ҳолда шаклланган. Собиқ иттифоқ давридаги “пахта яккаҳокимлиги” сиёсати Сирдарё вилояти туманлари ва хўжаликларида яққол намоён бўлган. Ҳамон бу нотўғри сиёсат оқибатлари тўлиқ бартараф қилингани йўқ;

3) вилоят туманларида қишлоқ хўжалигининг ўн битта олинган соҳасидан 4-9 таси ихтисослашган соҳа тариқасида кўрилган. Масалан, Боёвут туманида 9 та, Сайхунободда 8 та, Оқолтин ва Ховосда 7 та, Сирдарёда 6 та, Гулистон ва Сардобада 4 та соҳа қишлоқ хўжалик тармоғига ихтисослашган;

4) айрим туманлар у ёки бу соҳага объектив қонуниятларни ҳисобга олмаган ҳолда ихтисослашган. Масалан, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ғаллачилик Гулистон, Сардоба туманларида, сабзавотчилик Сирдарё ва Сайхунобод туманларида, гўшт ва сут чорвачилиги Боёвут ва Гулистон, паррандачилик Оқолтин туманларида қулай шарт-шароит бўлганлигига қарамасдан ихтисослашув даражаси паст;

5) ниҳоят, тармоқлар ихтисослашув даражаси туманлар бўйича фарқ қилади. Боёвут, Сирдарё, Сайхунобод туманларини ихтисослашув даражасини-юқори, Оқолтин ва Ховос-ўрта ва бошқа туманларни паст деб баҳолаш мумкин (1-жадвал).

Маълумки ҳудудлар ихтисослашуви қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун шарт-шароитни инобатга олган ҳолда, тўғри йўналтирилган бўлса, иқтисодий самарадорлик шунча юқори бўлади. Буни вилоят миқёсида шоличилик, полизчилик ва узумчиликда кўриш мумкин. Бу тармоқлар барча ҳудудларда мавжуд бўлса ҳам фақатгина 3 та туман бўйича ихтисослашган соҳа ҳисобланади. Масалан, шоличилик Сирдарё ва Сайхунобод, полизчилик Оқолтин туманларида юқори даражада ихтисослашган ва энг яхши иқтисодий кўрсаткичларга эга.

1-жадвал.

Вилоят қишлоқ хўжалигини туманлар бўйича ихтисослашув индекслари

Туманлар	Дон	Шоли	Пахта	Сабзавот	Картошка	Полиз	Мева	Узум	Гўшт	Сут	Тухум
Боёвут	1,53	1,18	1,91	1,57	2,06	0,63	1,80	0,88	1,29	1,32	1,71
Гулистон	1,00	0,70	1,19	0,56	0,71	0,44	0,78	0,53	1,21	1,11	0,92
Мирзаобод	0,88	0,91	0,85	0,72	0,95	0,53	0,74	0,73	1,01	1,07	1,13
Оқолтин	1,36	0,66	1,33	1,07	0,46	3,66	2,08	1,30	0,99	0,88	1,26
Сардоба	1,20	0,32	1,05	0,72	0,41	1,15	0,42	0,38	1,05	0,97	0,95
Сайхунобод	1,50	2,12	1,35	1,32	0,85	0,34	1,17	0,62	1,72	1,48	1,35
Сирдарё	1,07	2,17	0,84	1,29	2,56	0,44	0,89	2,06	0,80	0,85	1,03
Ховос	0,63	0,32	0,85	1,23	1,02	0,71	1,77	2,58	1,23	1,61	1,47
Бошқа ҳудудлар	0,28	0,31	-	1,30	1,01	0,62	074	0,99	0,79	0,73	1,08

Вилоят қишлоқ хўжалиги ихтисослашув даражасини ҳозирги ишлаб чиқаришнинг мужассамлашувида ҳам кўриш мумкин. Маълумотларга кўра ер майдони ва экинзорлари кўп туманлар (Боёвут, Оқолтин, Сардоба) қишлоқ хўжалиги серқирралиги ва кенг ихтисослашуви билан ажралиб туради. Қолаверса, туманлардаги ихтисослашган соҳаларнинг экин майдони ва чорва сони бошқа тармоқларга ва вилоятнинг ўртача кўрсаткичидан анча юқори.

Вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мужассамлашув даражаси нисбатан паст. Ишлаб чиқаришни мужассамлашув даражасини аниқлашда, бевосита ва билвосита аҳоли сони ва экин майдонлари асосий кўрсаткич сифатида олинади. Чунончи, вилоятнинг

энг асосий полизчилик тумани (Оқолтин) да ҳар бир хўжаликка 26,1 га ва ҳар минг кишига 27,7 га полиз экин майдони тўғри келса, вилоятда бу кўрсаткичлар 3,7 ва 5,0 гактарга тенг ва айрим туманларда 1,7 ва 2,8 гектарни ташкил этади. Ваҳолангки, ишлаб чиқаришнинг мужассамлашув даражаси тармоқ ва ҳудудлар даражсида қанча баланд бўлса, уларнинг иқтисодий самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Хулоса

Вилоятда қишлоқ хўжалигини ҳудудий ихтисослашувини такомиллаштириш учун қатор муаммоларни ҳал қилиш лозим:

-ҳудуднинг агроиқлим ресурсларини илмий-амалий ўрганиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
-жойнинг экологик ҳолатини чуқур ўрганиш;
-иқтисодий салоҳиятдан унумли фойдаланиш;
-қишлоқ хўжалигини замонавий технология, техника ва ускуналар билан таъминлаш;
-селекция иши, уруғчилик ва наслчиликни ривожлантириш;
-турли мулкчилик шаклларини шакллантириш ва ҳоказо.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўлиқ ҳаёт манбаи-Т.: Ўзбекистон, 1998. 22 б.
Каримов И.А. «Сирдарё ҳақиқати» газетаси, 1999 йил, 14 декабрь.
Садыков А.М. Формирование и развитие региональных агропромышленных комплексов.-Т.: Мехнат, 1989. 112 с.
Садыков А.М. Региональная специализация сельского хозяйства Узбекистана. Т.: // Экономика и статистика, 1997. № 2. 54с.
Хидиралиев К.Э. К вопросу размещения и специализации хозяйства в Голодной степи // Проблемы освоения пустынь,2002. №2. С.29-31.

Аннотация

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ИХТИСОСЛАШУВИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ АСОСЛАРИ

К.Э. Хидиралиев

Мақолада Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашувини такомиллаштириш асослари атрофлича кўриб чиқилган. Жумладан, Сирдарё вилояти қишлоқ хўжалигининг ривожланиш омиллари, қишлоқ хўжалиги мажмуасининг динамикаси ва таркиби ёритилган.

Таянч сўзлар: Қишлоқ хўжалиги, ихтисослашув, соҳа, деҳқончилик, чорвачилик.

Аннотация

ОСНОВЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ СПЕЦИАЛИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА СЫРДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

К.Э. Хидиралиев

В статье про анализированы основы совершенствования специализации сельского хозяйства Сырдарьинской области. В том числе, выявлены тенденции и факторы развития сельского хозяйства области, динамика и структура сельскохозяйственного комплекса.

Ключевые слова: Сельское хозяйства, специализация, сфера, земледелие, животноводства.

Summary

THE GROUNDS OF IMPROVING SPECIALIZATION OF THE SIRDARYA REGION'S AGRICULTURE

K.Khidiraliev

The article analizes the grounds of improving specialization of the Sirdarya region's agriculture. It also displays the tendencies and factors of the region's agricultural development the dynamics and structure of the agricultural complex.

Key words: agriculture, specialization, sphere, agriculture, cattle breeding.

MUNDARIJA

FIZIKA, MATEMATIKA VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

Т.М.Салиев, С.Л.Лутпуллаев, А.С.Саидов, Н.Ш.Саидханов, Н.Т.Муталов, К.Г.Гаимназаров. Газ фазаси усули билан юпқа олмос қатламларини ўстиришда сапфир тагликлардан фойдаланиш мумкинлиги…….....3
М.С.Досанов, Ҳ.Р.Умаров. Вектор тушунчасини планиметрия аксиомалари асосида киритиш ..……9
G.G'aymnazarov, X.M.Nuraliev, A.X.Nuraliev. Umar Xayyomning uchinchi darajali tenglamalarni yechish nazariyasiga oid tekshirishlari……16

KIMYO VA KIMYOVIY TEXNOLOGIYA

А.М.Эминов, З.Р.Қодирова, Б.К.Хожеметова. Қорақалпоғистон хом ашё ресурсларидан деворбоп керамика ишлаб чиқариш имкониятлари……..……..23
Р. Давлатов. Полимер композициясини жун калавасининг физик-механик хоссаларига таъсирини ўрганиш.....26

BIOLOGIYA VA EKOLOGIYA

Ф.Э.Сафарова. Ўзбекистон карпсимон балиқлари касаллик қўзғатувчи нематодалари…….....32
Д.Т.Хамраева. *Climacoptera (Chenopodiaceae)* туркуми айрим турларининг муртак органларини тузилиши….…….....…..36
Ж.Ҳ.Қаршибоев. Мирзачўл шароитида айрим астрагаллар онтогенезининг бошланғич даврлари ҳақида……...…….....41

FILOLOGIYA

М. Маматқулов. Туюқ жанри имкониятлари ва шоир маҳорати…….....48
O.Fayzullayeva, G.B.Bobobekova. Lirik kechinmaning peyzaj va poetik obrazlar orqali ifodalanishi…….....53
Ш.Р.Тожибоева. Ўзбек, немис, инглиз ҳамда рус тилларида инкор суффикс ва префиксларнинг қўлланилиши.....57

PEDAGOGIKA VA TA'LIM

С.Т.Исмоилов, С.М.Каримова. Болажонлик - фалсафаси…….……..62
И.Э.Буриев, Д.Ф.Нурмухамедова. Ривожланаётган жамиятнинг таълим тизимида педагогик технологиялар.....67
М.Сарибаева. Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони матни устида ишлаш……71

IJTIMOIY - IQTISODIY VA SIYOSIY FANLAR

Б.Ғофуров. И.Кант таълимотида абадий тинчлик ғояси……78
О.Сатторқулов, О.Юсуфалиев, Ш.Турдиқулова. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инфратузилма фаолиятини ташкил этиш хусусиятлари……...83
К.Э.Хидиралиев. Сирдарё вилоятининг қишлоқ хўжалигига ихтисослашувини такомиллаштириш асослари……91

СОДЕРЖАНИЕ

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА И ИНФОРМАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ

Т.М.Салиев, С.Л.Лутпуллаев, А.С.Саидов, Н.Ш.Саидханов, Н.Т.Муталов, К.Г.Гаимназаров. Возможность использования сапфировых подложек при газофазном методе выращивания алмазных пленок.....3
М.С.Досанов, Х.Р.Умаров. Введение понятия вектора на основе аксиом планиметрии……..……..9
Г.Гаймназаров, Х.М.Нуралиев, А.Х.Нуралиев. Исследования омара хайяма в области решения уравнений третьей степени…….……16

ХИМИЯ И ХИМИЧЕСКАЯ ТЕХНОЛОГИЯ

А.М.Эминов, З.Р.Кадырова, Б.К.Хожеметова. Возможности использования сырьевых ресурсов каракалпакистана для производства стеновой керамики……..23
Р. Давлатов. Изучение влияния полимерной композиции на физико-механические свойства шерстяной пряжи.....26

БИОЛОГИЯ И ЭКОЛОГИЯ

Ф.Э.Сафарова. Нематоды – возбудители болезней карпообразных рыб Узбекистана……..32
Д.Т.Хамраева. Структурные особенности органов зародыша некоторых видов рода *Climacoptera* (*Chenopodiacea)*..…….....36
Ж.Х.Каршибаев. О начальнем периода онтогенеза некоторых астрагалов в условиях Мирзачуля ……...41

ФИЛОЛОГИЯ

М.Маматкулов. Возможности жанра туюк и мастерство поэта……...48
О.Файзуллаева, Г.Б.Бобобекова. Лирическое описание пейзажей и поэтических образов…….……..53
Ш.Р.Тажибаева. Отрицательные суффиксы и префиксы в узбекском, немецком английском и русском языках……...……57

ПЕДАГОГИКА И ОБРАЗОВАНИЕ

С.Т.Исмаилов, С.М.Каримова. Философия детства……..……..62
И.Э.Буриев, Д.Ф.Нурмухамедова. Педагогическая технология в системе образования современного общества…….....67
М.Сарибаева. Работа над текстом поэмы «Фархад и Ширин» Алишера Навои...……...71

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ И ПОЛИТИЧЕСКИЕ НАУКИ

Б.Гафуров. Идея о вечном мире в учении И.Канта……..…78
О.Т.Сатторқулов, О.А. Юсуфалиев, Ш.О.Турдиқулова. Особенности организации инфраструктуры в условиях модернизации экономики……..……....83
К.Э. Хидиралиев. Основы совершенствования специализации сельского хозяйства Сырдарьинской области…….……..91

CONTENTS

PHYSICS, MATHEMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGY

T.M.Saliev, S.L.Lutpullaev, A.S.Saidov, N.Sh.Saidkhanov, N.T.Mutalov, K.G.Gaimnazarov. The potentialities of using sapphire substrates at growing diamond films by the gas-core method…….....3
M.S. Dosanov, H.R. Umarov. The introducing of the notion of vector on the plane geometry axioms…….9
G.Gaymnazarov, H.M.Nuraliev, A.H.Nuraliev. Omar Khayyam's research in the sphere of solving equations of the third degree ……..……..16

CHEMISTRY AND CHEMICAL TECHNOLOGY

A.Eminov, Z.Kadirova, B.Khozhemetova. The possibilities of using the raw materials of karakalpakistan for producting wall ceramics……..…..23
R.Davlatov. The investigation of the impact of the polymer composition on the physical-mechanical properties of the woolen yarn……..26

BIOLOGY AND ECOLOGY

F.E.Safarova. Nematodes as pathogenes of carp-like fish of Uzbekistan..……..32
D.T.Khamraeva. The structural features of the embryo organs of some *Climacoptera (Chenopodiaceae)* specias……..36
J.H.Karshibaev. About the initial stage of ontogenesis of some astragalus in Mirzachul……...……41

PHILOLOGY

M.Mamatkulov. The potential of the genre of tuyuk and poets' mastery…….....48
O.Fayzullayeva, G.B.Bobobekova. The lyrical description of landscapes and poetical images…….....53
Sh.R.Tajibaeva. The usage of negative suffixes and prefixes in the English, German, Russian and Uzbek languages…….....57

PEDAGOGICS AND EDUCATION

S.T.Ismailov, S.M.Karimova. Childhood philosophy……...62
I.E.Buriev, D.F.Nurmuhamedova. Pedogogical technolgy in the educational system of the modern society……...67
M.Saribaeva. The analysis of the text of Alisher Navoi's poem "Farkhad and Shirin"…….71

SOCIAL – ECONOMICAL AND POLITICAL SCIENCES

B.Gafurov. The idea of eternal universe in I.Kant's……..78
O.T.Sattorkulov, O.A.Yusufaliev, Sh.Turdikulova. Infrastructure organizations particularities under economics madernization conditions…..…….…..83
Қ.Khidiraliev. The grounds of improving specialization of the Sirdarya region's agriculture…….91

НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ “ВЕСТНИК ГУЛИСТАНСКОГО ГОСУНИВЕРСИТЕТА”

Правила для авторов

1. Научный журнал “Вестник Гулистанского госуниверситета”- “Вестник ГулГУ” публикует статьи на узбекском, русском и английском языках по следующим разделам естественных и гуманитарных наук: Физика, математика и информационные технологии, Химия и химическая технология, Биология и экология, Филология, Педагогика и образование, Социально-экономические и политические науки.
2. Основные требования к публикуемому материалу: актуальность и научная новизна. Обьём статьи: оргинальная 7-8 стр, обзорная до 12 стр, включая список литературы, графики и таблицы, **аннотации** (не менее 5-7 строк), **ключевые слова** (5-8 слов) на узбекском, русском и английском языках.
3. Обязательные элементы статьи: УДК, название, Ф.И.О автора, название организации, e-mail автора, **введение, материал и методы, полученные результаты и обсуждение, вывод (заключение), список литературы** (см. образец). В тексте статьи отдавать предпочтение ссылкам на публикации последних 10-15 лет.
4. Для текста: Word Windows; шрифт Times New Roman 12, для заголовка 14 (заглавные буквы), межстрочный пробел 1,5 интервала, абзац отступ -1,0 см, без переносов с полями сверху, снизу и с левой стороны -3 см, с правой -1,5см.
5. Ссылки на литературу даются в круглых скобках (автор, год); ссылки на рисунки и таблицы также в круглых скобках (табл. 1), (рис. 2). Таблицы и рисунки в основной текст не вставляются, они даются вслед за основным текстом статьи. Количество рисунков и таблиц в совокупности не должно превышать 3 шт. Таблицы должны иметь заглавия, а рисунки – пояснения. Сокращения слов в таблицах не допускаются.
6. Список литературы приводится согласно Госту 7.32-2001, без нумерации в алфавитном порядке.
Книги: Автор, название книги, место издания, год, страницы.
Образец Иванов И. И. Лекарственные средства. М.:Медицина,1997. 328 с.
Статьи: Автор, название статьи // Название журнала, год, том.
Образец Каримов С.К. Экология растений адырной зоны// Узб. биол. журн., 2009. № 2. С. 10-18.
Авторефераты: Автор, название: Автореф. дис. … д-ра биол. наук. Город, год. стр.
Образец Ходжаев Д.Х. Влияние микроэлементов на урожайность хлопчатника: Автореф. дисс... д-ра биол. наук. Москва, 1995. 35 с.
Тезисы: Автор название // Название сборника или материалов. Город, год, стр.
Образец Каршибаев Х.К. Биоэкологические исследования видов янтака // Материалы Респуб. науч. конф. “Кормовые растения Узбекистана”. Гулистан, 2006. С. 15-17.
7. Редакция просит авторов придерживаться при использовании физических величин Международной системы (СИ), при названии биологических объектов Международного Кодекса номенклатур. Десятичные цифры приводятся через точку (0.2)
8. Статьи в редакцию направляются в электронном и печатном формате (2 экз.) с подписями авторов. Рукопись должна иметь сопроводительное письмо от организации, где выполнена работа, отзыв кафедры.
9.В журнале не публикуются тезисы и копии докладов конференций. Все статьи проходят рецензирование.
10. Редакция оставляет за собой право вносить в текст незначительные коррективы. Материалы, оформленные не по правилам, не рассматриваются и не возвращаются.

Наш адрес: Республика Узбекистан, 120100. г. Гулистан, 4-микрорайон,
Гулистанский государственный университет, Основной корпус, 2- этаж, ком. №229.

Site: www.guldu.uz

E-mail: vestnikgulsu@mail.ru

Muharrirlar:
Y.Karimov, O.V.Kulidi

Terishga berildi: 2014-yil 14- mart.
Bosishga ruxsat etildi: 2014-yil 26-mart.
Qog‘oz bichimi: 60x84, 1/8. F.A4.
Shartli bosma tabog‘i 12,1. Adadi 200. Buyurtma № 9.
Bahosi kelishilgan narxda.

“Universitet” bosmaxonasida chop etildi.
Manzil: 120100, Guliston shahri, 4-mavze, Guliston davlat universiteti,
Bosh bino, 2-qavat, 217-xona. **Tel.:** (8 367) 225-41-76